

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:657.31+65.011.8(575.1)

Ғайбуллаев Шахриёр Бахтиёр ўғли
БЮДЖЕТ ИЖРОСИ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ
5А 230901 – “Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари бўйича)” мутахассислиги
бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

ТОШКЕНТ - 2015

Ушбу магистрлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда бу мавзуга боғлиқ бўлган муаммолар ўрганилган ва муаммоларни бартараф қилишга тегишли таклифлар берилган.

This master dissertation reveals the results of the implementation of the budget of the Republic of Uzbekistan on the basis of international standards of accounting and reporting, which is dedicated to the improvement of the problems related to this topic has been studied and the corresponding and were given proposals to resolve the problems.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтди.

7- сонли баённома « 23» Май 2015 йил.

Илмий раҳбар:

имзо

сана

Магистрант: Ғайбуллаев Ш.Б.

имзо

сана

Мундарижа:

Кириш.....	4
I боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ ИЖРОСИ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, МОҲИАТИ, АҲАМИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1.Бюджет ижросининг назоратини моҳияти ва аҳамияти.....	10
1.2. Давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари тамойиллари.....	15
1-боб бўйича хулоса.....	26
II боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ.....	28
2.1.Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисобини ташкил этилиши.....	28
2.2.Бюджет ташкилотларида материаллар захиралари ҳисоби.....	43
2.3. Бюджет ташкилотларида дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китоблар ҳисоби.....	50
2-боб бўйича хулоса.....	58
III боб. БЮДЖЕТ ИЖРОСИ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	59
3.1. Бюджет ташкилотларида даромад ва харажатлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўналишлари.....	59
3.2. Бюджет ташкилотларида бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлари ва уни ривожлантириш йўналишлари.....	75
3-боб бўйича хулоса.....	90
Хулоса.....	93
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	95

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзунинг асосланиши ва долзарблиги.

Бюджет маблағлари мамлакатнинг макроиктисодий барқарорликка эришиш йўлида Ҳукумат томонидан яқин ва узоқ даврларга мўлжалланган давлат дастурларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет сиёсатини тўғри юритиш, бюджет маблағларидан самарали, оқилона фойдаланишни талаб этади. Бюджет маблағлари доимо аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Демак бюджет маблағларидан оқилона, самарали фойдаланиш билангина ана шу мақсадга эришиш мумкин бўлади. Бюджет дастурларининг аниқ ва ўз вақтида бажарилиши айти пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада ижобий бажарилишини таъминлайди. Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эса самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8.1 %, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8.3 %, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6.9 %, капитал қурилиш 10.9 %, чакана савдо айланмаси ҳажми 14.3 % га ошди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9.4 %, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8.7 %, нооziқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 10 % га ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича 6.1 % ни ташкил этди.

Ўтган йили солиқ йуқи 20.5 % дан 20 % га даромад солиғи ставкаси 9 % дан 8 % га камайтирилган бўлсада, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0.2 % профицит билан бажарилди¹.

¹ И. Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. “Халқ сўзи” // 11-сон 2015 йил 17 январь.

Иқтисодий модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет ижроси, уни бажарилишини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устувор ижтимоий харажатларни молиялаш ва ундан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш, Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда маҳаллий бюджет ижроси бўйича натижаларини аниқлаш, Бюджет ижроси бўйича жорий ҳисобварақларни ёпиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси бўйича ойлик, чорақлик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш йўналишлари мавзусидаги ушбу магистрлик диссертацияси ҳам, белгиланган параметрлар доирасида харажатларни амалга ошириш, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини назорат қилиш ҳамда уни самарали амалга оширишни таъминлашга қаратилгандир.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида ташкил қилинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, бюджет ижроси натижалари ва унинг ҳисоби ва ҳисоботи бўйича мавжуд муаммолар, бюджет ижроси интизомини кучайтиришнинг ташкилий ҳуқуқий аспектларини ёритиш билан боғлиқ бўлган илмий масалалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади давлат бюджет тизими асосий принципларидан келиб чиққан ҳолда, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг зарурлиги, бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини соддалаштириш, бюджетлар ижроси жараёнида бюджет интизомига риоя этишда молиявий назоратнинг

аҳамияти ва роли, ҳамда молиявий назоратнинг самарадорлигини оширишдаги мавжуд муаммолар, уларни ижобий ҳал қилишда таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда диссертация ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- ғазначилик шароитида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

- бюджет ижроси натижаларининг шаклланиши ва бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тамойилларини ўрганиш;

- бюджет ташкилотларида узоқ муддатли ва жорий активларидан фойдаланиш, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китоблар ҳамда уларнинг натижалари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларини бугунги кундаги ҳолати ва ундаги муаммоларни ўрганиш ва бу борада илмий ҳамда амалий асосланган таклифлар бериш;

- бюджет даромад ва харажатлари устидан назорат қилиш ҳамда бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Республикамиз бюджет тизимида ислохотларни бошланиши билан ҳисоб тизимидаги ўзгаришлар амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ҳозирги замон талаблари асосида услубий жиҳатдан ривожлантириш борасида тадқиқотлар олиб борилиши қуйидаги илмий янгиликлар билан белгиланади:

- ғазначилик шароитида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилди;

- бюджет ижроси натижаларининг шаклланиши ва бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тамойиллари ўрганилди;

- бюджет ташкилотларида узоқ муддатли ва жорий активларидан фойдаланиш, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китоблар ҳамда уларнинг натижалари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларини бугунги кундаги ҳолати ва

ундаги муаммолар ўрганилди ва бу борада илмий ҳамда амалий асосланган таклифлар берилди;

- бюджет даромад ва харажатлари устидан назорат ўрнатиш ҳамда бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Илмий изланишлар натижасида олинган илмий хулоса ва таклифлар бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва назорат қилиш имкониятини яратишга қаратилган. Диссертация ишида ғазначилик шароитида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобидаги муаммолар ўрганилиб, амалдаги ҳисоб тизимини такомиллаштириш қаратилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг назарий асоси кўплаб иқтисодчи олимлар, жумладан, Н.П. Кондраков, Г. Романовский, Г.Ю. Касьянова, Г.Б. Поляк, Т.С. Маликов, М.Останакулов, Б.К. Тухлиев, Р.Т. Жамолов, З.Х. Сирожиддинова, Г.Қосимова кабилар ўрганганлар. Бироқ, айнан ғазначилик шароитида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида адабиётлар етишмайди. Чунки юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу соҳада жуда кам олимлар изланиш олиб борганлар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган олимлар кўпроқ бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий жиҳатлари нуқтаи назардан қараб, унинг тамойил ва услубий жиҳатларини ўрганганлар. Ғазначилик шароитида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш мавзусида магистрлик диссертацияси ёзилмаган.

Тадқиқотнинг услубиёти ва услуби - тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримовнинг ғазначиликни ривожлантиришга, бюджет тизимида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, фаолиятини ривожлантириш ва бозор муносабатларини амалга оширишга бағишланган фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари, Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит услубиётига доир меъёрий ҳужжатлари, йўриқномалари, шунингдек, тадқиқот объекти фаолиятини акс эттирувчи статистик маълумотлар ва иқтисодчи олимларининг бу соҳадаги илмий, услубий ишларидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, ишда статистик, математик, иқтисодий таҳлил усулларида кенг қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий изланишлар натижасида олинган илмий хулоса ва таклифлардан фойдаланиш бюджет ташкилотлари маблағларни самарали ишлатиш имкониятини яратади. Тадқиқот натижаларига кўра олинган тавсиялар ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудитини ташкил этиш ва такомиллаштириш жараёнларида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, иш келтирилган фикрлардан “Бюджет ҳисоби” каби фанларни талабаларга ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг таркибий тузилиши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация ишининг кириш қисмида илмий изланиш учун танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг услубиёти ва услуби, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг биринчи бобида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджетнинг роли, бюджет ижросининг бажарилиши ва бюджет ижроси натижалари ҳисобининг моҳияти аҳамияти, бюджет ижроси натижалари ҳисобининг ҳуқуқий асослари, унда қатнашувчи молия органларининг роли вазифаси ва давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уларнинг юритилиши, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ёритилган.

Иккинчи бобда Ўзбекистон Республикаси бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши, бюджет ташкилотларида асосий

восита ва материалларнинг ҳисобини юритилиши, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китобларни амалга ошириш, уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши ва уларнинг бюджет ижроси натижалари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттирилиши кўрсатиб ўтилган.

Учинчи бобда Бюджет маблағларидан самарали, оқилона фойдаланишнинг асосий йўллари ва ҳозирда бюджет харажатларини амалга оширишда мавжуд йўналишларни тартиблаш, бюджет даромадларининг келиб тушиш манбалари ва бюджет ижроси натижалари бўйича ҳисоботларнинг турлари уларнинг тўлдирилиш тартиби топшириш муддатлари уни ривожлантириш йўналишлари юзасидан мулоҳазалар ёритилган. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўзгаришларни таъминлаш учун иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини амалга оширишда ва бюджетларнинг изчил бажарилишига эришиш мақсадида бюджет ижроси бажарилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш, бюджет интизомига риоя этилишини таъминлаш юзасидан тавсиялар берилган.

Хулоса қисмида диссертациянинг бобларида келтирилган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

I бoб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ ИЖРОСИ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Бюджет ижросининг назоратини моҳияти ва аҳамияти

Давлат бюджети харажатлари - давлат харажатларини ташкил этишга оид тамойиллар яъни: маблағларни мақсадли тақсимлаш, тежамкорлик режимида қатъий амал қилиш, давлат молия-бюджет интизомига амал қилинишига эришиш мақсадида самарали молиявий назорат тизимида эга бўлиш лозим. Жумладан, бюджет жараёнини мавжуд қонунчилик асосида, бюджет ижросини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш, бюджет ижроси натижалари бўйича тақдим этиладиган ҳисоб ва ҳисоботларни тўғри ва аниқ юритиши, бюджетдан маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш, ҳамда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет ижросини тўғри таъминлаш бюджет тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш эса, амалга ошириладиган бюджет жараёнларида маблағларни мақсадли тақсимлаш, маблағлардан энг юқори самара олинишига эришиладиган ҳолда фойдаланиш ва тежамкорлик ҳамда бюджет ижросини таъминлаш ва уни назорати орқали эришиш мумкин.

Ҳозирги иқтисодийни модернизациялаш шароитида бюджет ташкилотлари учун энг муҳим вазифа қилиб, бюджет ижросини қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни, молия қонунчилигига риоя этилиши ва бюджет интизомини таъминлаш, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли эгали бўлиши, бюджет ижроси бўйича тақдим этиладиган ҳисоб ва ҳисоботларни ўз вақтида аниқ тақдим этилишига эришишдан иборат².

^{2 2} И.А.Каримов “Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Халқ сўзи // 2013 йил 30 январь

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш назоратини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида муваффақиятли адо этилиши ҳамда бюджет интизомига қатъий амал қилишликни таъминлашга молиявий назорат катта аҳамият касб этади.

Давлат бюджетининг иқтисодий вазифаси сифатида моҳияти у бажараётган функцияларда намоён қилади. Унинг иккита функцияси мавжуд:

1. Тақсимлаш.
2. Назорат.

Давлат айнан бюджетнинг тақсимлаш функциясига таяниб, ихтиёридаги марказлашган молия ресурсларини шакллантиради ва у ёрдамида умумдават истеъмолларини пул билан таъминлайди.

Молиявий ресурсларни тақсимлаш ва уларни тақсимлаш жараёнини қандай амалга оширилади молиянинг назорат функцияси хабар бериб туради. Молиявий назоратнинг шаклларида бири бу назорат бюджет-молия назорати ҳисобланади.

Бюджет назорати ва маҳаллий ҳокимият мунтазам равишда тасдиқланган бюджетнинг даромад ва харажатлар режаларини тўлиқ ва сифатли бажарилишини назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир қилувчи турли омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан зарур чора-тадбирлар белгилаш имкониятига эга бўладилар. Давлат маблағлари ҳисобига олинган мол-мулкни тўлиқ сақланишини таъминлашда ҳам назорат аҳамият касб этади.

Бюджет ижросининг назорати давлатнинг махсус ваколатли идоралари томонидан олиб борилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан барча даражадаги бюджетларни сифатли бажарилишини бюджет жараёнинг барча босқичларида назорат қилиш, бюджет олдидаги

мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида узиш, бюджет интизомига риоя этиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан назорат-тафтиш ишларини бажарадилар.

Назорат самарадорлигига расмий ва мантиқий, ҳужжатлар ва фактлар асосидаги текширишлар каби хилма-хил усулларни қўшиб фойдаланиш орқали эришилади.

Бундан ташқари бюджет ижросининг назорати тўлиқ ёки қисман, комплекс ёки мавзули, ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган назорат турларига бўлиш текшириш ҳажми ёки текширилаётган объектнинг тўлиқ қамраб олинishiга боғлиқ.

Мутахассислар гуруҳи белгиланган давр мобайнида ва белгиланган дастурга биноан ташкилот, муассасанинг молиявий фаолиятини ҳар томонлама текшириб, ҳисобот ва молия интизомига риоя қилинишини аниқлайдиган текшириш комплекс текшириш дейилади.

Ташкилот, муассасаларнинг молиявий фаолиятини айрим бўлимлари ҳолатини текшириш тематик текшириш деб аталади. Масалан, моддий бойликларнинг сақланиши ва улардан фойдаланишликни текшириш, молиявий натижалар аниқланишининг тўғрилигини текшириш ва бошқалар.

Комплекс ёки тематик текширишларни ўтказиш чоғида ҳужжатлар ялпи ёки танлаб (презентатив) текширилиши мумкин.

Назорат қилинаётган жараёнларга нисбатан ўтказиш вақтига қараб дастлабки ҳамда навбатдаги назоратларга бўлинади.

Дастлабки назорат- тахминлаш, режалаштириш, ва лойиҳалаштириш босқичида, хўжалик ёки молиявий операциялар амалга оширилишидан аввал ўтказилиб, оқилона бошқарув ечимлари қабул қилинишига хизмат қилади. Унинг мақсади ноқонуний операциялар, самарасиз харажатларнинг олдини олишдир. Навбатдаги назорат- хўжалик ва молиявий операциялар амалга

оширилганидан кейин ўтказилиб, текширилаётган ҳужжатларни ва муассасанинг бутун молиявий ҳолатини чуқур ўрганиши билан фарқ қилади³.

Унинг мақсади тугалланган операцияларни қонунийлиги, мақсадга мувофиқлигини, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилганлигини аниқлашдир. Бундан ташқари жорий назорат шакли ҳам мавжуддир.

Ривожланган давлатларда давлат маблағлари сарфланиши устидан махсус парламент назорати муассасалари мавжуддир. АҚШда конгресснинг бош назоратчиси бошчилигидаги бош назорат-молия бошқармаси; Буюк Британияда-бош тафтишчи бошчилигидаги миллий тафтиш кенгаши; Японияда назорат-тафтиш бошқармаси; Хиндистонда-парламентнинг давлат ҳисоботи ва бюджет ажратмалари масалалари бўйича қўмиталари; Финляндияда 5 нафар давлат тафтишчиси; Хитойда давлат кенгаши ҳузуридаги назорат вазирлиги; Австрия, Германия, Франция ва Венгрияда – бундестаг ёки парламент қошидаги ҳисоб палаталари, Россияда Ҳисоб палатаси, Президент ҳузуридаги назорат-тафтиш департаменти, Молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик қўмитаси, назорат-тафтиш бошқармалари шундай фаолият олиб боради.

Кўпгина мамлакатларда парламент (давлат) назорати муассасалари билан бир қаторда, ҳукумат назорат-тафтиш тизимлари ишлаб турибди. АҚШда Президент ҳузуридаги маъмурий бюджет бошқармасини, федерал идоралардаги нозирлик хизматлари тизимини, ҳукумат муассасаларида молиявий суиистеъмолчиликларга қарши кураш бўйича президент кенгашини, жумладан, «Ҳалоллик ва самарадорлик кенгаши»ни; Хиндистонда – тафтиш ва ҳисобчилик департаментини; Финляндияда – давлат хўжалигининг молия вазирлиги таркибига кирувчи Тафтиш бошқармасини ўз ичига олади. Ривожланган давлатлардаги давлат назоратининг асосий вазифалари бир-бирига ўхшашдир. Айниқса, давлат

³ Тухлиев Б.К. Давлат бюджети ўқув қўлланма Т-2007й.

маблағлари сарфланиши ва давлат мулкидан фойдаланишни назорат қилиш каби вазифалар барча давлатларда муҳим вазифа ҳисобланади.

ГФР федерал ҳисоб палатаси вазифасига барча федерал корхоналар ва суғурта муассасалари, давлат улуши 50 фоизни ташкил этувчи хусусий корхоналар, давлат маблағларини тасарруф этувчи бошқа барча корхона ва идоралар фаолияти устидан молиявий назорат ўрнатиш вазифаси ҳам киради.

Австрия ҳисоб палатаси нафақат федерациянинг давлат хўжалиги, балки федерация органлари томонидан бошқариладиган хайрия ва бошқа фондлар молиявий фаолиятини ҳам текшириш ҳуқуқига эга.

Ривожланган давлатларда молиявий назоратнинг яна бир тури қўлланилади. У 60 йилларда Швецияда вужудга келган бўлиб, самарадорлик назорати деб аталади. Унинг моҳияти шундан иборатки, бунда расман қонунга мослик ва бухгалтерия ҳужжатларининг тўғрилиги пировард мақсад эмас, балки текширувнинг асосий вазифаси давлат операцияларининг таъсирчанлиги ва махсулдорлигини аниқлашдан иборат. Фойда келтираётган, лекин таъсирчан бўлмаган операциялар, яъни мазкур давлатнинг ижтимоий-сиёсий мақсадларга хизмат қилмайдиган операциялар назорат хизмати томонидан қораланади ⁴.

Айниқса, АҚШ назорат-тафтиш органларининг юқори самарадорлик билан фаолият юритаётганликлари эътиборни ўзига жалб қилади. Ўтказилаётган текширув ва тафтишлар натижасида мазкур идоралар катта суммалардаги ноқонуний тарзда ишлатилган давлат маблағларини аниқлашга ва бюджетга қайтаришга эришмоқдалар.

Назорат-тафтиш муассасаларининг бошқарув идораларидан мустақиллигининг ишончли ҳуқуқий кафолатлари ва уларга сиёсий ёки бошқа тазйиқ ўтказиш имконининг йўқлиги қонун билан белгилаб берилган. Бу

⁴ Кондраков Н.П Кондраков И.Н Бухгалтерский учет в бюджетных организациях М-2006

аввало шулар билан таъминланадики, уларда назорат-тафтиш идораларининг раҳбарлари парламент томонидан узоқ муддатга тайинланади ва тасдиқланадилар. Масалан, бу муддат Буюк Британияда 18 йилни, АҚШда 15 йилни, ГФР, Австрия, Венгрияда 12 йилни, Канадада 10 йилни ташкил этади. Улар касбга лаёқатсиз бўлиб суиистеъмолчиликка йўл қўйган тақдирдагина ва шунда ҳам фақат парламент қарорига кўра ўз вазифаларида озод этилишлари мумкин⁵.

Давлат назорати идоралари барча етакчи мамлакатлар парламентларида ташкил этилган бюджет-назорат қўмиталарига бўйсунмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳам молиявий назорат соҳасида жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, уларда мавжуд бўлган молиявий назорат тизимига ўтиш борасида муҳим бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан ҳар томонлама холис бўлган, ижроия ҳукуматига эмас балки қонун чиқарувчи давлат органига бўйсунувчи Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ташкил этилди. Бу палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги ПФ-3093 сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида» ги фармони билан ташкил этилди.

1.2. Давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари тамойиллари

Давлат бюджети бухгалтерия ҳисоби, бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини тузиш тартиби юзасидан, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, мамлакат Президентининг бир қатор Фармонлари қабул қилинган, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва низомлари, Молия вазирлигининг йўриқномалари ишлаб чиқилган.

⁵ Касьянова Г.Ю. «Бюджетный учет» М-2006

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва бюджет ижроси натижаларининг ҳисоби ва ҳисоботларини амалга ошириш ва улар устидан назоратнинг ҳуқуқий асослари энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари 2001 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “ Бюджет тизими тўғрисида”ги қонунидир ва Бюджет кодекси ҳисобланади.

Яна бир манба бу-Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2010 йил 22 декабрдаги 2169 сонли «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома».

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорига асосан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига (“175-2 ва “184-1 модда) «Бюджет интизомини бузиш» тўғрисидаги банди киритилди.

Жумладан “175-2 модда «Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш» - каби хатти-ҳаракатларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўриш ҳуқуқи назорат-тафтиш Бош бошқармасига берилди⁶.

Навбатдаги манба бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳисобланади.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармаларига бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини таъминлаш вазифалари юклатилган. Бундан ташқари, Молия вазирлигининг бошқа меъёрий ҳужжатлари ҳам ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

Давлат бюджети ҳар йили мамлакат Олий Мажлисининг сессиясида кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Давлат бюджетида миллий даромаднинг катта қисми марказлаштирилади. У тақсимланади ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни кондиритиш учун йўналтирилади. Буларнинг ҳаммаси давлат бюджети даромадлари ўз вақтида тўла келиб тушишини ва бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини тақозо қилади. Буни тўғри ташкил қилинган давлат бюджети ижроси жараёнининг бухгалтерия ҳисобигина таъминлаши мумкин.

Давлат бюджети ижроси бухгалтерия ҳисоби Давлат бюджети тузилишига мос ҳолда ташкил қилинади. Мамлакат давлат бюджети ижроси бухгалтерия ҳисобини тўғридан-тўғри молия органлари, банк муассасалари ва бюджет ташкилотлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади⁷.

Мамлакат бюджет ижросини ҳисобга олиш бўйича умумуслубий бошқариш вазифаси мамлакатнинг молия вазирлигига юкланган.

Молия Вазирлигининг функцияси қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакат давлат бюджети ижроси ҳақида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини ташкил қилишни услубий бошқаришни амалга оширади;

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғриси”даги Қонуни. 2000 йил

- молия органлари, бюджет ташкилотлари учун бюджет ижроси ҳақидаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни тузиш бўйича йўриқномалар ва услубий йўриқномалар ишлаб чиқиш;

- жорий бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва счётлар корреспонденциясини, дастлабки хужжатлар ва бухгалтерия регистрлари шакллари, хужжатларнинг муомала тартиби, ҳисоботларнинг шакллари ва ҳажмларини белгилаб бериш;

- республика бюджети ижросини тўғридан-тўғри амалга ошириш;

- республика бюджети ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузиш;

- мамлакат давлат бюджети ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузиш.

Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирлиги, вилоят, шаҳар ва туман молия органлари функциялари қуйидагилар:

- ўзларига қаршли бюджетларнинг ижросини тўғридан-тўғри ҳисобга олиш ва ҳисоботларни тузиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туман бюджетлари ижроси ҳақида йиғма ҳисоботларни тузиш;

- маҳаллий молия органлари тегишли бюджет даромадлари ва харажатлари, уларнинг пул маблағларини, фондлар, ссудалар, бюджетлараро ҳисоблашишларини, бошқа бюджетлардан олинган ва қайтариб берилган маблағларни, бюджет ижросининг натижаларини ҳисобга олади ва улар томонидан молиялаштириладиган бюджет муассасаларидаги ҳисоб ва ҳисоботларнинг ташкил қилинишларини текширади;

- маҳаллий молия органлари банкларнинг республика бюджетининг касса ижроси бўйича ва молиялаштириш муомалалари бўйича ишларини назорат қилади;

- маҳаллий молия органлари маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатларининг таҳлилий ҳисобини олиб боради;

- банк муассасаларига мамлакат давлат бюджети касса ижроси юкланган. Улар республика бюджетининг касса даромади ва харажатларини

ва маҳаллий бюджет маблағларини ҳисобга олади, республика бюджетининг касса ижроси бўйича ҳисоботларни тузади, республика бюджети даромад ва харажатларининг таҳлилий ҳисобини олиб боради;

- бюджет муассасалари харажатлар сметасининг бухгалтерия ҳисобини амалга оширади ва ушбу сметанинг ижроси ҳақида ҳисобот тузади.

Бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича режанинг бажарилиши ҳақида маълумотлар билан таъминлаш молия органлари бюджет ҳисобининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу маълумотлар асосида бюджет ижроси жараёни устидан назорат қилиш ва тезкор раҳбарлик амалга оширилади. Бу мақсадлар учун молия органлари бюджет даромадлари ва харажатлари, банк муассасаларидаги бюджетнинг пул маблағлари, бюджет бўйича очилган кредитлар ва берилган маблағлар, бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар, ссудалар ва бошқалар ҳисобини юритади.

Молия органлари, томонидан умумдавлат даромадлари ва солиқларининг алоҳида олинган бюджетлар бўйича тўғри тақсимланиши, бюджет бўйича тайинланишига қараб бюджет маблағларини тасарруф қилувчилар томонидан фойдаланиши устидан назоратни амалга оширади, ҳамда бюджет маблағларининг бутлигини таъминлайди.

Молия органлари бюджет ижроси тўғрисидаги ойлик, чорак ва йиллик ҳисоботларни тузади ва бюджет ижроси натижаларини аниқлайди. Молия органлари ўзлари ижро этаётган бюджетлар ижросининг бухгалтерия ҳисобини бевосита амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги республика бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини амалга оширади. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини амалга оширади.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар молия органлари вилоятлар, шаҳарлар, туманлар бюджетлари ижросининг бухгалтерия ҳисобини амалга оширади. Молия органлари муайян маъмурий-ҳудудий бирликдаги барча бошқа бюджетлар ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилади. Молия

органлари бюджет ташкилотларининг ҳисоб ва ҳисоботларини текширади ва уларга тегишли кўрсатмалар беради⁸.

Ҳар бир молия органи ўзи ижро этаётган бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ва муайян маъмурий-ҳудудий бирлик бюджети ижроси тўғрисидаги йиғма ҳисоботни тузади.

Маҳаллий бюджетлар ижроси бухгалтерия ҳисобини амалдаги йўриқномага мувофиқ ҳудудий молия органлари юритади. Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар касса ижросини Марказий банк ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси бўйича» йўриқномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси бўйича» йўриқномасига мувофиқ ҳар куни ўзларига тегишли молия органларига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоят, шаҳар ва туман бюджетларининг ва ушбу бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар ҳисоб рақамларидаги бюджет маблағларининг қолдиқлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиб туради⁹.

Маҳаллий бюджетлардан капитал қўйилмаларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мазкур масалалар бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида очилган счётлар орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси тижорат банки муассасаларига қарашли молия органларига белгиланган шаклда капитал қўйилмаларни молиялаш-

⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йилдаги буйруғи “Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва тошкент шаҳри бюджет ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқнома”

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети касса ижроси бўйича йўриқнома 2001 йил №1009

тириш бўйича белгиланган тартибда ва муддатларда даврий ва йиллик ҳисоботларни тақдим этиб туради.

Молия органлари бош бухгалтерлари ўз ишларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросини тартибга солиб турадиган амалдаги меъёрий ҳужжатларга амал қилади. Молия органлари бош бухгалтерлари қуйи молия органларида, бюджет ажратмаларини бош бошқарувчиларда ва марказий бухгалтерияларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузиш тартиби ва услубиятлари, уларни ташкил қилиш масалалари бўйича инструктажлар ва назоратларни амалга оширади, тегишли бюджетларга қарашли ташкилотларда харажатлар сметаси ижросини тафтиш қилишда ходимларни иштирок этишини таъминлайди. Молия органлари бухгалтериялари бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоб ва ҳисоботларни ўрнатиш ва харажатлар сметаси назоратини олинган даврий ва йиллик ҳисоботларни кўриб чиқаётган жойида текширишни ўтказиш йўли билан амалга оширади. Вилоят, шаҳар ва туман молия органлари бош бухгалтери лавозимига юқори махсус маълумотга эга бўлган шахс ва молия органларида ёки бюджет ташкилотларида бухгалтер сифатида ишлаган, меҳнат стажи уч йилдан кам бўлмаган шахслар белгиланади. Бошқа ҳолларда бош бухгалтер лавозимига юқори махсус маълумотига эга бўлмаган, юқори иқтисодий эмас маълумотга эга бўлган ва бухгалтерлик иш стажи беш йилдан кам бўлмаган шахслар белгиланади. Молия органининг бош бухгалтери ишга киришганда ва лавозимидан озод этилганда бухгалтерия ишларини қабул қилиш-топшириш ҳақидаги ҳисоб ва ҳисоботлар, архивларнинг ҳолатини қабул қилиш ва топшириш куни кўрсатилган далолатнома тузишлари шарт. Худудий молия органларида ишларни қабул қилиш ва ўтказиш ишлари юқори молия органи бош бухгалтери иштирокида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирлигида, вилоят ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларида бош бухгалтер томонидан ишларни қабул қилиш ва топшириш мазкур молия органи бошлиғи иштирокида ва

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигидан ваколатли шахс иштирокида амалга оширилади.

Бош бухгалтерга ҳисоб ва ҳисоботлар бўйича мажбуриятига боғлиқ бўлмаган топшириқларни бериш мумкин эмас. Бош бухгалтерга тўғридан-тўғри пул маблағлари ва моддий бойликлар устидан моддий жавобгарликка боғлиқ мажбуриятлар юкланиши мумкин эмас. Унга банклардан ва бошқа ташкилотлардан тўғридан-тўғри пул маблағларини олиш ман этилади. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш Низомига ёки амалдаги қонунчиликга қарши келадиган билдиришномалар олган шароитда бош бухгалтер бу ҳақида юқори молия органи мудирига хабар қилиш шарт.

Бош бухгалтерга юклатилган мажбуриятларни амалга ошириш учун унга ўз вақтида бухгалтерия ҳисоби ва назорати учун зарурли барча ҳужжатлар берилиши зарур: чорақлар бўйича тақсимланган бюджет даромадлари ва харажатларининг йиллик кўрсаткичи ёки ундан кўчирма, буйруқлар, йўриқномалар, бюджет ижросига боғлиқ ҳужжатлар ва молиялаштириш миқдорининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотнома-билдиришнома ва бошқа ҳужжатлар. Чорақлар бўйича ажратиб кўрсатилган бюджет даромадлари ва харажатларининг йиллик кўрсаткичи ёки ундан кўчирма бухгалтерияга у расмийлаштирилган кундан бошлаб 3 кун ичида берилиши керак. Бунда бош бухгалтерга бюджет даромадлари ва харажатлари кўчирмаси ва молиялаштириш режаси тақдим этилиши кечиктирилганда молиялаштиришни амалга оширмаслик ҳуқуқи берилади.

Маҳаллий молия органлари бухгалтериялари тегишли бюджет ижросини ҳисобга олади ва ушбу бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар ва қуйи молия органлари ҳисобини бошқаради. Бухгалтерия функциясига молия органи харажатлар сметаси ижроси ҳисоби ҳам киради. Маҳаллий молия органлари аппаратини сақлаш мамлакатнинг республика бюджетига тегишли, шунинг учун уларнинг сметаси ижроси ҳисоби маҳаллий бюджет ижроси ҳисобидан ажралиб туради ва бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда юритилади. Молия органларида

бюджет ижроси бухгалтерия ҳисоби бухгалтерия аппаратлари томонидан амалга оширилади, даромадларнинг тезкор ҳисоби ва тўловчилар билан ҳисоб-китоблар солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Молия органлари тегишли ҳудудий-бошқарувига қарашли бюджетларнинг ижроси ҳисобини ташкил қилади. Улар бюджет ижроси тўғрисидаги ойлик, чорак ва йиллик ҳисоботларни тузади ва бюджетнинг ижроси натижаларини аниқлайди.

Давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисоби бўйича молия органларининг вазифаларига:

1) бюджет даромадлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва банк муассасаларига келиб тушган даромадларнинг бюджетлар ўртасида тўғри тақсимланиши устидан назоратни олиб бориш;

2) банк муассасаларида сақланилаётган бюджетнинг нақд пуллари бухгалтерия ҳисобини юритиш;

3) бюджет ижроси билан боғлиқ бўлган турли операциялар бухгалтерия ҳисобини юритиш;

4) бюджетларда ташкил қилинадиган фондлар ва захиралар бухгалтерия ҳисобини юритиш;

5) ўзлари ижро этаётган бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш;

6) қуйи молия органларида ва бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларда бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, ҳисоботнинг тузилиши ва услуби устидан назорат қилиш;

7) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини марказлаштириш ва механизациялаштириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш киради.

Молия органида маҳаллий бюджет ижроси бўйича операцияларни бухгалтерия ёзувлари учун асос бўлиб тегишли равишда расмийлаштирилган қуйидаги ҳужжатлар хизмат қилади:

1) молиялаштириш режаси;

2) молиялаштириш миқдорлари ўзгарганлиги тўғрисида маълумотнома-билдиришнома (17-шакл);

3) маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағига келиб тушган даромадлар тўғрисида маълумотнома (3-шакл);

4) тайинлаш сертификатлари (5-шакл ва 12-шакл);

5) ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича билдиришнома (11-шакл);

6) даромадларни қайтариш тўғрисидаги хулоса (21-шакл);

7) бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларга маҳаллий бюджетдан маблағлар ўтказиб бериш учун тўлов топшириқномалари;

8) бюджет бўйича харажатлар сметалари ижроси тўғрисида даврий ва йиллик ҳисобот;

9) бюджет маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирларни молиялаштириш бўйича тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг ҳисоботлари;

10) мемориал ордер (274-шакл);

11) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг маҳаллий бюджет маблағларининг асосий депозит ҳисобварағидан кўчирмалари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк муассасаларининг маҳаллий бюджетлар маблағларининг асосий депозит ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи тўғрисидаги ҳисоботлари;

12) бюджет ижроси билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар.

Давлат бюджети ижроси билан боғлиқ операциялар бухгалтерия регистрларига мемориал-ордерлар ва ҳужжатлар асосида ёзилади.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижросининг бухгалтерия ҳисобини олиб бориш учун Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигида ва маҳаллий молия органларида қуйидаги бухгалтерия регистрлари қўлланилади:

1) «Бош-журнал» китоби (1-ф-шакл);

2) «Бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварақлари ва касса харажатлари» китоби (3-ф-шакл);

3) «Бошқа бюджетлар билан ҳисоб-китоблар» китоби (4-ф-шакл);

4) «Даромадлар» китоби (5-ф-шакл);

Бюджет ижроси бухгалтерия ҳисобини олиб боришда ҳисоблаш техникасини қўллаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини автоматлаштирилган ҳисоблаш маркази томонидан марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқилган дастурлар асосида амалга оширилади.

Янги йилнинг бухгалтерия китоблари ҳар бир молия органида жорий йилнинг 31 декабридан кечикмасдан тайёрланади. Ҳар бир китобда, унга ёзувлар қилишдан аввал унинг барча варақлари рақамланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини давлат бюджети ижросининг ҳисоби бўйича функциялари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) мамлакатнинг давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва унинг ижроси тўғрисида ҳисобот тузишга услубий раҳбарликни амалга ошириш;

2) бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби ва бюджет ижроси тўғрисида ҳисоботлар тузиш бўйича молия органлари, бюджет ташкилотлари ва бошқалар учун йўриқномалар ва услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

3) жорий бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасини ва счётлар корреспонденцияларини, бухгалтерия регистрлари ва бошланғич ҳужжатлар шакллари, ҳужжатлар айланиши тартибини, ҳисоботларнинг ҳажмлари ва шакллари белгилаш;

4) республика бюджети ижросини бевосита амалга ошириш;

5) республика бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш;

6) мамлакатнинг давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат бюджети бош бошқармаси давлат бюджети ижроси ва ҳисоби бўлими

маҳаллий молия органларида бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби ташкил қилиниши устидан бевосита раҳбарликни амалга оширади.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар молия органларининг функциялари қуйидагилардан иборат:

1) ўзлари ижро этаётган бюджетларнинг ҳисобини бевосита юритиш ва бу бюджетлар ижроси тўғрисида ҳисоботлар тузиш;

2) вилоят, шаҳар, туман бюджети ижроси тўғрисида йўғма ҳисоботларни тузиш.

Маҳаллий молия органлари тегишли бюджетлар даромадларини ва харажатларини, уларнинг пул маблағларини, фондларини, ссудаларни, бюджетлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни, бошқа бюджетларга берилган ва улардан олинган маблағларни ва бюджет ижроси натижаларини ҳисобга олади ҳамда улар томонидан молиялаштирилаётган бюджет ташкилотларида ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилинишини текширади.

Маҳаллий молия органлари республика бюджетини касса ижросининг ҳисоби бўйича ва молиялаштиришга доир операцияларни банклар томонидан бажарилишини назорат қилади.

Маҳаллий молия органлари маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини аналитик ҳисобини олиб боради.

Маҳаллий бюджетлар ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган йўриқнома асосида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар молия бўлимлари томонидан олиб борилади¹⁰.

1-боб бўйича хулоса

Фикримизча, бюджет ҳисоби давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобидир. Бюджет ҳисоби давлат бюджети ижроси билан боғлиқ бўлган ҳамма операцияларни қамраб олади ва мазкур ижро жараёнида бюджетнинг ҳолатини

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил №2169 сонли “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш тўғрисида” ги йўриқнома

тавсифлашни таъминлайди. Бюджет ҳисоби орқали халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг давлат бюджети билан ўзаро алоқаси акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисоби воситасида банк муассасаларидаги ҳисобварақларда бюджетнинг пул маблағлари, даромадлари ва харажатлари, ҳисоб-китоблардаги маблағлар, бюджет ижроси жараёнида ташкил қилинадиган фондлар ва захиралар ҳамда бюджет ташкилотларининг моддий қийматликлари, бюджет ижроси натижалари бўйича ҳисоботлар ва уларни тақдим этиш акс эттирилади. Бош бухгалтернинг бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштиришдаги кўрсатмалари молия органлари барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади. Бухгалтерия ходимлари ўртасидаги мажбуриятларни тақсимлаш бош бухгалтер томонидан белгиланади ва молия органи бошлиғи томонидан тасдиқланади. Бюджет ташкилоти бош бухгалтери лавозимига биркитилган шахс ушбу ташкилотни молиялаштирадиган ва ҳисобот берадиган молия органи бош бухгалтери билан суҳбатдан ўтиши керак.

II бoб ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ.

2.1. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисобини ташкил этилиши

Асосий воситалар – бир йил ва ундан ортиқ хизмат қиладиган ҳамда ҳар бирининг қиймати энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кам бўлмаган моддий активлардир. Бюджет ташкилотларида қиймати ва хизмат қилиш муддатидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуроллари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кутубхона фондлари, музей қийматлиқлари, ҳайвонот оламининг экспонатлари ва намунавий лойиҳалаш бўйича ҳужжатлар, асосий воситалар таркибига киради. Шунингдек, хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъи назар қуйидаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари ҳам асосий воситалар таркибига киритилмайди:

- а) махсус асбоблар ва мосламалар;
- б) махсус ва санитар кийимлар, махсус пойафзаллар;
- в) кўрпа-тўшак анжомлари;
- г) ёзув-чизув анжомлари (калькулятор, стол устига қўйиладиган жиҳозлар ва бошқалар);
- д) ошхона ва овқатланиш хонаси инвентарлари, шунингдек овқатланиш хонаси дастурхон-сочиклари;
- е) қурилиш-таъмирлаш ишлари таннарига олиб бориладиган вақтинча қурилма ва мосламалар. Асосий воситалар балансга бошланғич қийматида қирим қилинади, қайта баҳолангандан сўнг улар қайта баҳолаш қиймати бўйича ҳисобга олиб борилади¹¹.

Асосий воситанинг бошланғич қиймати деганда асосий воситани барпо этиш (қуриш ва охиригача қуриб етказиш) ёки асосий воситаларни сотиб

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 2169 сонли “ Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги йўриқнома.

олиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатлар қиймати тушунилади. Асосий воситани олиб келиш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш ва уни тайинланишига мувофиқ фойдаланиш учун активни иш ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа харажатлар ҳамда тўланган ва қопланмайдиган солиқлар бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Асосий воситанинг қайта тиклаш қиймати деганда асосий воситанинг қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати тушунилади. Асосий воситаларнинг бошланғич (дастлабки) қиймати инфляция суръатларини ҳисобга олиб вақти-вақти билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори билан қайта баҳоланади.

Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисоби қуйидаги иккинчи тартибли счёт(субсчёт)ларда олиб борилади:

- 010 - «Тураар жой иморатлар» субсчети;
- 011 - «Нотураар жой иморатлар» субсчети;
- 012 - «Иншоотлар»;
- 013 - «Машиналар ва жиҳозлар» субсчети;
- 015 - «Транспорт воситалари» субсчети;
- 018 - «Кутубхона фондлари» субсчети;
- 019 - «Бошқа асосий воситалар» субсчети.

Асосий воситалар ҳисоби учун хизмат қиладиган барча субсчётлар актив субсчётлардир.

010 - «Биолар» субсчетида ишлаб чиқариш, маъмурий, ижтимоий-маиший, уй-жой биолари (биолар таркибига улардан меъёрида фойдаланиш учун зарур бўлган барча коммуникациялар киради).

011 - «Иншоотлар» субсчетида стадионлар, бассейнлар, йўллар, кўприклар, ёдгорлик ҳайкаллари, парклар, хиёбонлар ва жамоат боғларининг тўсиқлари ва бошқалар ҳисобга олинади.

012 - «Узаткич қурилмалари» субсчетида электр узатиш тармоқлари, трансформация ва энергия ўтказиш учун ҳамда суюқ ва газсимон моддаларни

трубопроводлар бўйича истеъмолчиларгача бир жойдан бошқа жойга ўтказиш учун керакли бўлган тегишли барча оралиқ мосламалари билан бирга трансмиссиялар ва трубопроводлар ҳисобга олинади.

013 – «Машиналар ва ускуналар» субсчётида кучланиш машиналари ва ускуналар, иш машиналари ва ускуналар, ўлчов асбоблари, мунтазамлаштириб турувчи асбоблар ва қурилмалар, лаборатория ускуналари, медицина ускуналари, бошқа машиналар ва ускуналар.

015 - «Транспорт воситалари» субсчётида одамларни ва юкларни ташишга мўлжалланган барча турдаги воситалар ҳисобга олинади.

016 - «Асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари» субсчётида ускуналар, ишлаб чиқариш инвентарлари ва жиҳозлари ҳамда хўжалик инвентарлари ҳисобга олинади.

017 - «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» субсчётида ишчи кучи сифатида ишлатиладиган ҳайвонлар ва маҳсулот берадиган ҳайвонлар ҳисобга олинади.

018 - «Кутубхона фондлари» субсчётида китобларнинг айрим нусхалари қийматидан қатъи назар, илмий, бадиий ва ўқув адабиётлари, адабиётнинг махсус турлари ва бошқа нашрлар ҳисобга олинади.

019 - «Бошқа асосий воситалар» субсчётида кўп йиллик дарахтлар ва экинлар, ерларни яхшилашга оид капитал харажатлар, қиймати ва хизмат қилиш муддатидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуроллари, музей қийматликлари ва бошқалар юқорида келтирилган асосий воситаларни ҳисобга олувчи субсчётларда ҳисобга олиниши кўрсатилмаган асосий воситалар ҳисобга олинади.

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида ташкилот балансига кириш қилинади:

- олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;
- бегараз келиб тушиш;

- товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;
- асосий воситаларнинг ортиқча объектларини аниқлаш;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Янги асосий воситаларни сотиб олиш ва уларнинг эскирганини қайта тиклаш билан боғлиқ барча харажатлар бюджетдан олинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.



1-чизма. Асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари.

Сотиб олинган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

- етказиб берувчиларга ҳамда шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажарганлик учун пудратчиларга тўланадиган суммалар;
- асосий воситаларни сотиб олиш (қуриш) муносабати билан қонунчиликда белгиланган тартибда тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари, шу жумладан божхона божлари ва йиғимлари асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;
- асосий воситаларни етказиб бериш (қуриш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;
- асосий воситалар объектини сотган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

- асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;

- активдан фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотларида асосий воситалар қийматига тенг миқдорда фонд ташкил этилади, бу фондни ҳисобга олиш учун иккинчи тартибли пассив 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти қўлланилади. «Асосий воситалар» счётларида кўрсатилган асосий воситаларнинг суммаси, асосий воситаларнинг эскириши суммасини ҳисобга олган ҳолда, 250- «Асосий воситалардаги фонд» субсчётининг суммасига ҳамма вақт тенг бўлиши керак.

Асосий воситалар сотиб олинганида уларни сотиб олиш қийматларига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 010-013, 015-019 - «Асосий воситалар» субсчётлари

Кредит 178 - «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги иккинчи бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

Кредит 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти.

Асосий воситаларни ташиб келиш, ўрнатиш ва монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

Кредит 178 - «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Бюджет ташкилотларига асосий воситалар юқори ташкилотнинг қарорига мувофиқ бепул берилганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

1) Бепул берилган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига:

Дебет 010-013, 015-019 - «Асосий воситалар» субсчётлари;

Кредит 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти.

Бир вақтнинг ўзида бепул берилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси бўлса, у ҳолда бу эскириш суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти;

Кредит 020 - «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти.

Сотиб олинган асосий воситаларнинг қиймати ҳисобда 072 “Асосий воситаларга бошқа харажатлар” субсчётининг дебетида ва 15 “Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” ва бошқа счётларнинг тегишли субсчётлари кредитига ёзилади. Асосий воситанинг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши эса, 01 “Асосий воситалар” счётининг тегишли субсчётлари дебетида ва 072 “Асосий воситаларга бошқа харажатлар” субсчётининг кредитига ёзилади.

Асосий воситаларнинг бутлиги устидан назоратни таъминлаш ва ҳисобни ташкил қилиш учун ҳар бир объектга, инвентар рақами берилади. Инвентар рақами объектга бириктирилган тамғага белгиланади ёки объектнинг ўзига бўёқ билан ва бошқа усуллар билан белгиланади. Ҳисобдан чиқарилган ёки тугатилган объектларнинг инвентар рақамлари янгидан олинган бошқа асосий воситаларга берилмаслиги керак.

Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган асосий воситалар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш асосий воситаларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади, белгиланган тартибда ташкилот ҳисобига қабул қилинади ҳамда бухгалтерия ҳисобида 01 “Асосий воситалар” счётининг тегишли субсчётлари дебетида ва 273 “Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар” субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий-жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан асосий воситаларни ҳисобдан

чиқарилишидан кўрилган зарар ташкилот ҳисобига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида унинг дастлабки (тикланиш) қийматини ҳисобдан чиқарилиши 01 счётнинг тегишли субсчётлари кредитида, қолдиқ қийматини ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебитида, ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилиши эса, 02-счётнинг тегишли субсчётлари дебитида акс эттирилади¹².

Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ва агарда асосий восита бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган бўлса ёки харид қилинган манбасини аниқлашнинг имкони бўлмаса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

-кам чиққан асосий воситанинг дастлабки (тикланиш) қийматини ҳисобдан чиқарилиши 01 счётнинг тегишли субсчётлари кредитида, қолдиқ қийматини ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебитида, ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилиши эса, 02 счётнинг тегишли субсчётлари дебитида акс эттирилади;

-айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши:

Дебет- 170 “Камомадларга доир ҳисоб-китоблар”

Кредит- 160 “Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар” ;

-айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши:

¹² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 2169 сонли “ Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги йўриқнома.

Дебет- 120 “Миллий валютадаги нақд пул маблағлари”

Кредит-170 “Камомадларга доир ҳисоб-китоблар”

-камомад суммасини ҳисобвараққа кирим қилиниши

Дебет- 113 “Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар”

Кредит- 120 “Миллий валютадаги нақд пул маблағлари”

-маблағларни бюджет даромадига ўтказиб берилиши:

Дебет- 160 “Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар”

Кредит- 113 “Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар”

Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолда агарда асосий восита бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

-кам чиққан асосий воситанинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 01 счётнинг тегишли субсчётлари кредитида, қолдиқ қийматини ҳисобдан чиқарилиши 170 “Камомадларга доир ҳисоб-китоблар” субсчётининг дебетида, ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилиши эса, 02 счётнинг тегишли субсчётлари дебетида акс эттирилади. Агарда, мазкур асосий воситанинг қолдиқ қиймати ва моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган сумма ўртасида фарқ мавжуд бўлса, ушбу фарқ сумма 170 субсчётнинг дебетида (ёки кредитида) ва 272 “Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчётининг кредитида (ёки асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебетида) акс эттирилади;

-айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетида ва 170 субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Ижарага олинганда асосий воситалар ижарачиларда балансдан ташқаридаги 01-«Ижарага олинган асосий воситалар» субсчётида ижарага берувчилар томонидан уларга белгиланган инвентар рақами билан ҳисобга

олинади.

Асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби АВ-6 шаклдаги ва АВ-8 шаклдаги инвентар карточкаларда юритилади. Карточкалар ҳар бир инвентар объекти (буюми) бўйича юритилади. Бир турдаги буюмлар АВ-9 шаклдаги карточкаларда ҳисобга олинади. АВ-6, АВ-8 ва АВ-9 шакллардаги инвентар карточкалар АВ-10 шаклдаги асосий воситаларнинг инвентар карточкаларини хатлашда рўйхатга олинади.

АВ-6 шаклдаги инвентар карточка биноларни, иншоотларни, узаткич қурилмаларини, машиналар ва ускуналарни, асбобларни, ишлаб чиқариш (жиҳозлари билан бирга) ва хўжалик инвентарларини ҳамда транспорт воситаларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Асосий воситалар муайян бюджет ташкилоти ичида жойдан-жойга кўчирилганда тегишли ёзувлар мазкур карточканинг орқа томонига қайд қилинади.

АВ-8 шаклдаги инвентар карточка ишчи ҳайвонларни, маҳсулдор ва зотдор молларни ҳисобга олиш учун ҳамда кўп йиллик дарахтларни ва ерни яхшилашга доир капитал харажатларни ҳисобга олиш учун хизмат қилади.

АВ-9 шаклдаги инвентар карточка кутубхона фондларини ва сахнага қўйиш жиҳозларини гуруҳлаб ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Кутубхона фондлари учун битта карточка очилади. Унда ҳисоб фақат пул ифодасидаги умумий суммада юритилади.

Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларига амортизация ажратмаси ҳисобланмайди, балки белгиланган тартибда эскириш ҳисобланади. Эскириш: архитектура ва санъатнинг ноёб ёдгорликлари бўлган бинолар ва иншоотлар; кабинет ва лабораторияларда ўқув ишлари ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган ускуналар, экспонатлар, нусхалар, амалдаги ва амал қилмаётган моделлар, макетлар ва бошқа кўргазмали қўлланмалар; маҳсулдор моллар, қўтослар, хўкизлар, кийиклар, ҳайвонот оламининг экспонатлари (ҳайвонот боғи ва шунга ўхшаш муассасаларда); фойдаланиш ёшига етмаган кўп йиллик дарахатлар; кутубхона фондлари, филмлар фонди, сахнага қўйиш жиҳозлари, бадий ва музей қийматликлари; ички

кийимлар, кўрпа-тўшаклар, кийим-кечаклар ва пойафзаллар бўйича аниқланмайди. Эскириш, шунингдек, чет элда жойлашган ташкилотларнинг асосий воситалари учун ҳам аниқланмайди.

Ўзбекистон Республикаси бюджет ташкилотларида асосий воситаларга эскириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ўрнатилган фоизлар бўйича ҳисобланади. Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиш учун иккинчи тартибли 020- «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти қўлланилади. Бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг эскириш суммаси юқорида келтирилган меъёрлар бўйича тўлиқ календар йил учун аниқланади. Бу субсчёт пассив субсчёт ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг эскириши ҳисобланганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти;

Кредит 020 - «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти.

Қайта баҳолаш пайтида асосий воситаларнинг тўлиқ қайта тиклаш қиймати, яъни агар ташкилот қайта баҳолаш санасида мавжуд бўлган бозор нархлари ва тарифлари бўйича уларни худди шундай янги объектларга тўлиқ алмаштириши шарт бўлса, у амалга ошириши керак бўлган харажатларнинг тўлиқ қиймати белгиланади.

Техник ҳолатидан қатъий назар ташкилотнинг мулкида, унинг хўжалик юритишида ва, консервацияда турган, ҳисобдан чиқариш учун тайёрлаб қўйилган, лекин белгиланган тартибда тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилмаган, барча асосий воситалар қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш икки усулда:

«Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули» қўлланилганда объектларнинг тўлиқ қайта тиклаш қийматини ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун ташкилотнинг хоҳишига мувофиқ қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

а) ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан ва уларнинг расмий дилерларидан, товар хом-ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай махсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) қайта баҳолаш санасига ва асосий воситаларни харид қилиш санасига бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курслари нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффицентини қўллаган ҳолда асосий воситаларнинг харид қилиш санасида эркин амал қилувчи валюталардаги қиймати (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар;

в) тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

г) қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

д) асосий воситалар қиймати тўғрисида баҳоловчи ҳисоботи.

Асосий воситаларни қайта баҳолашда «Индекс усули»ни қўллаш учун навбатдаги қайта баҳолаш бўйича тегишли индексларни Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси ҳар йил 31 декабргача ишлаб чиқади ва оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилади¹³.

Юқорида келтирилган тартибда ҳисоблаб чиқарилган эскириш суммаси билан кўрсатилган асосий воситалар бўйича қайта баҳолашгача бўлган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчётининг кредити (ошиб кетган тақдирда) ёки дебети (камайган тақдирда) бўйича «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти билан корреспонденцияланиб акс эттирилади.

Ташкилотнинг балансида қайта баҳолашгача турган ва 1 январгача фойдаланишга киритилган асосий воситалар баланс қийматининг қайта

¹³ 1 январь ҳолатига асосий воситаларини қайта баҳолаш ўтказиш тўғрисидаги Низом. 2002 йил № 1192

тиклаш қийматигача кўпайиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича қайд қилинади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар баланс қийматининг кўпайишига

Дебет 010 013, 015-019 «Асосий воситалар» субсчёти;

Кредит 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг эскириш суммасини кўпайишига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти;

Кредит 020 - «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти.

Фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган асосий воситалар амалдаги қонунда белгиланган тартибда балансдан қуйидагича ҳисобдан чиқарилади.

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиш сабабларини қуйидаги чизмада кўриб чиқишимиз мумкин:

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҚУЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА БАЛАНСДАН ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛИШИ МУМКИН

- белгиланган хизмат муддати тугаганидан (тўлиқ эскириш ҳисоблаб ёзилганидан) кейин;
- жисмоний эскириш, халокатлар, табиий офатлар, фойдаланишнинг рисоладаги шарт-шароитларини бузиш оқибатида яроқсиз ҳолга келганда;
- маънан эскирганда;
- тегишли давлат органларининг қарорлари бўйича чиқиб кетганда;
- корхона ва ташкилотларнинг қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, замонавийлаштирилиши ва техник қайта жихозланиши муносабати билан чиқиб кетганда.

2-чизма Асосий воситаларни балансдан чиқарилиши.

Бунда, асосий воситаларни қайта тиклаш имконияти бўлмаганлигида ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаганда улар тугатилади.

Бюджет ташкилотларининг таркибий бўлинмалари асосий воситаларни тугатишни қонунда белгиланган тартибда тегишли юқори ташкилотнинг розилиги билан амалга оширади ва ҳисобдан чиқариш учун комиссия тузилади.

Асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун тузиладиган комиссия:

а)тегишли техник хужжатлардан ҳамда бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисобдан чиқаришга тааллуқли бўлган асосий воситаларни бевосита текшириб чиқади;

б)уларни тиклашнинг иложи йўқлигини ёки иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқ эмаслигини белгилайди;

в) асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш сабабларини аниқлайди;

с)тугатилаётган асосий воситаларнинг айрим узеллари, деталлари, материаллари, рангли ва қимматбаҳо металларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлайди ва уларни баҳолашни амалга оширади;

Тугатилиши муносабати билан асосий воситаларнинг дастлабки қийматини ҳисобдан чиқарилиши 01 счётнинг тегишли субсчётлари кредитига, қолдиқ қийматини ҳисобдан чиқарилиши асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебетига, ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилиши эса, 02 счётнинг тегишли субсчётлари дебетига ёзиш йўли билан акс эттирилади.

Асосий воситаларни тугатилиши муносабати билан кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган товар-моддий захираларни кирим қилиниши товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетида ва товар-моддий захиралар суммасини мазкур асосий воситанинг қолдиқ қиймати доирасида 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг кредитида (уни кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда), қолдиқ қийматидан ошган сумма эса, 272 “Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчётнинг

кредитида акс эттирилади¹⁴.

Бюджет ташкилотларининг таркибий бўлинмалари ўз асосий воситаларини қонунда кўзда тутилган тартибда тегишли юқори ташкилотларнинг розилиги билан сотиш ҳуқуқига эгадир.

Бюджет ташкилотлари учун асосий воситаларни сотишдан олинган маблағлар, амалдаги меъёрий ҳужжатларда бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, уларнинг ихтиёрида қолиши мумкин ва янги асосий воситаларни сотиб олишга ёки фойдаланишдаги асосий воситаларни таъмирлаш учун ишлатилади.

Бюджет ташкилотлари таркибий бўлинмаларининг асосий воситалари қонунда кўзда тутилган тартибда тегишли юқори ташкилотларнинг буйруғи, фармойиши ёки қарорига мувофиқ бошқа ташкилотларга бепул берилиши мумкин.

Бюджет ташкилотларида асосий воситалар бошқа ташкилотларга бепул берилиши муносабати билан уларнинг балансдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда қайд қилинади:

Эскириши умуман ҳисобланмаган асосий воситалар бошқа ташкилотларга бепул берилганида, белгиланган тартибда расмийлаштирилган асосий воситаларни бепул берилиши ҳақидаги ҳужжатларга асосан, қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти;

Кредит 010-013, 015-019 - «Асосий воситалар» субсчётлари.

Эскириши қисман ҳисобланган асосий воситалар бошқа ташкилотларга бепул берилганида, белгиланган тартибда расмийлаштирилган асосий воситаларни бепул берилиши ҳақидаги ҳужжатларга асосан, қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига:

Дебет 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти;

¹⁴ Асосий воситаларни баланс ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом 2004 йил № 1401.

Кредит 010-013, 015-019 - «Асосий воситалар» субсчёта.

2) асосий воситаларнинг эскириш суммасига:

Дебет 020 - «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёта;

Кредит 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёта.

Эскириши тўла ҳисобланган асосий воситалар бошқа ташкилотларга бепул берилганида, белгиланган тартибда расмийлаштирилган асосий воситаларнинг бепул берилиши ҳақидаги ҳужжатларга асосан, қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 020 - «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёта;

Кредит 010-013, 015-019 - «Асосий воситалар» субсчёта.

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг камомади ёки нобудгарчилик содир бўлганлиги аниқланганлиги муносабати билан уларнинг балансдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда қайд қилинади.

Эскириши умуман ҳисобланмаган асосий воситаларнинг камомади ёки нобудгарчилик содир бўлганлиги аниқланганида, белгиланган тартибда расмийлаштирилган асосий воситаларнинг камомади ёки нобудгарчилик содир бўлганлиги аниқлангани ҳақидаги ҳужжатларга асосан, қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёта;

Кредит 010-013, 015-019 - «Асосий воситалар» субсчёта.

Эскириши қисман ҳисобланган асосий воситаларнинг камомади ёки нобудгарчилик содир бўлганлиги аниқланганида, белгиланган тартибда расмийлаштирилган асосий воситаларнинг камомади ёки нобудгарчилик содир бўлганлиги аниқлангани ҳақидаги ҳужжатларга асосан, қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига:

Дебет 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёта;

Кредит 010-013, 015-019 - «Асосий воситалар» субсчёта.

2) асосий воситаларнинг эскириш суммасига:

Дебет 020 - «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти;

Кредит 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти.

Эскириши тўла ҳисобланган асосий воситаларнинг камомоди ёки нобудгарчилик содир бўлганлиги аниқланганида, белгиланган тартибда расмийлаштирилган асосий воситаларнинг камомоди ёки нобудгарчилик содир бўлганлиги аниқлангани ҳақидаги ҳужжатларга асосан, қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 020 - «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти;

Кредит 010-013, 015-019 - «Асосий воситалар» субсчётлари.

Демак, бюджет ташкилотларида асосий воситаларнинг қабул қилиниши уларнинг сақланиши ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши уларга эскириш суммаси ҳисобланиши Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган йўриқнома “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқномага асосан амалга оширилади.

2.2.Бюджет ташкилотларида материаллар захиралари ҳисоби

Товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи счётларда ташкилотга тегишли бўлган ва хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган мол-мулклар, жумладан, қурилиш – таъмирлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ва ёнилғилар, озуқа ва ем-хашак, тара (идиш)лар, қишлоқ хўжалғи маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш буюмлари, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари, ўқув, илмий ва бошқа мақсадлар учун материаллар ҳамда лаборатория синовида бўлган, узок вақт фойдаланиладиган материаллар, шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари учун махсус асбоб-ускуналар ва бошқалар ҳисобга олинади.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш учун счётлар режасида қуйидаги счётлар белгиланган:

05 “Тайёр маҳсулот”;

06 “Бошқа товар-моддий захиралар”.

Бу счётада қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармонлар ва ярани боғлаш воситалари, ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари, хўжалик шартномалари асосида илмий-текшириш ишларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган, илмий-текшириш ишларида узоқ вақт фойдаланиладиган материаллар ва бошқа товар-моддий захиралар ҳисобга олинади. 06 “Бошқа товар-моддий захиралар” счёти ҳисобда қуйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда акс эттирилади:

060 “Қурилиш материаллари”;

061 “Озиқ-овқат маҳсулотлари”;

062 “Доридармонлар ва ярани боғлаш воситалари”;

063 “Инвентар ва хўжалик жиҳозлари”;

064 “Ёнилғи, ёқилғи - мойлаш материаллари”;

065 “Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари”;

069 “Бошқа товар-моддий захиралар”.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-барча моддий қимматликларнинг бутлигини таъминлаш ҳамда ишлатилиши ва тўғри фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш;

-захиралар ва харажатларнинг белгиланган меъёрларини кузатиб бориш;

-белгиланган тартибда реализация қилиниши лозим бўлган, фойдаланилмайдиган материалларни ўз вақтида аниқлаш;

-ташкилот омборларида мавжуд бўлган қолдиқлар ҳақида аниқ маълумотлар олиш.

Товар-моддий захиралар қуйидагилар натижасида ташкилотга кирим қилинади:

-етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш;

-беғараз келиб тушиш;

-узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказиш;

- ортиқча товар-моддий захираларни аниқлаш;
- ташкilotнинг ўзида тайёрланиши;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритиладиган харажатларга қуйидагилар киритилади:

- божхона божлари ва йиғимлари;
- товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммалари;
- товар-моддий захиралар улар орқали харид қилинган таъминотчи ва воситачи ташкilotларга тўланадиган воситачилик ҳақи;
- товар-моддий захираларни сертификатлаш ва уларни товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган техник шартларга мувофиқ синаш бўйича харажатлар;
- товар-моддий захираларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари.
- товар-моддий захираларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича харажатлар уларнинг юзага келишини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асосида белгиланади. Транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси алоҳида йиғилади ва товар-моддий захираларнинг тегишли турлари ўртасида тақсимланади. Ташкilot томонидан беғараз олинган ҳамда асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетиши натижасида олинган товар-моддий захираларнинг таннархи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.¹⁵

Чиқиб кетаётган товар-моддий захираларнинг қиймати чиқиб кетиш

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 2169 сонли “Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги йўриқнома.

далилини аниқлаш пайтида балансдан ҳисобдан чиқарилиши керак. Товар-моддий захиралар ташкилотнинг балансдан:

-сотиш;

-беғараз бериш;

-сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш ;

-камомад, йўқотиш ёки шикастланиш аниқланиши;

-бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади.

Материалларни бериш учун қуйидаги асосий ҳужжатлар қўлланилади:

434-сон шаклдаги юк хати (талабнома) материалларни омбордан беришда ва материалларни ташкилот ичида жойдан-жойга кўчиришда қўлланилади. Талабнома икки нусхада ёзилади;

299-шаклдаги озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун таомнома талабнома омбордан озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун қўлланилади.

410-сон шаклдаги ташкилот эҳтиёжи учун берилган материаллар қайдномаси ой давомида ҳўжалик материаллари, ўқув ва бошқа мақсадлар учун материаллар беришда қўлланилади.

431-сон шаклдаги забор картаси материаллар ва ёнилғиларни кундалик беришда, шунингдек, ой давомида маълум муддатларда беришда қўлланилади

Материаллар ҳар куни бериладиган бўлса, забор картаси 15 кунлик муддатга, вақти-вақти билан бериладиган бўлса, бир ойлик муддатга ёзилади. Материаллар ва ёнилғи қабул қилиб олувчи ўз забор картасини кўрсатгач, белгиланган лимит доирасида берилади. Лимитда белгиланганидан ортиқча материаллар 434-сон шаклдаги юк хати (талабнома) бўйича берилади.

Товар-моддий захиралар улар сотиб олинган баҳода ёки улар ҳар хил нархларда сотиб олинган бўлса, ўртача баҳода ҳисобдан ўчирилади. Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар доирасида ташкилот раҳбари (ёки унинг ўринбосари) томонидан тасдиқланган юқоридаги тегишли ҳужжатларга мувофиқ ҳисобдан

чиқарилиши лозим.

Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг дебитида ва 273 “Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар” субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий-жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқарилишидан кўрилган зарар ташкилот ҳисобига олиб борилади ва ҳисобда товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредитига ва ушбу товар-моддий захираларнинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебитида ёзиш йўли билан акс эттирилади.

- кам чиққан товар-моддий захираларнинг қийматини ҳисобдан чиқарилиши товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредитида ва ушбу товар-моддий захираларнинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебитида;

-айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши:

дебит 170 “Камомадларга доир ҳисоб-китоблар” субсчётининг

кредит 160 “Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар”

- айбдор шахс томонидан камомад суммасини тўланиши:

Дебит тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар

Кредит 170 “Камомадларга доир ҳисоб-китоблар”

- маблағларни бюджет даромадига ўтказиб берилиши:

Дебит 160 “Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар”.

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредитида акс эттирилади.

Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган

ҳолда, айбдор шахсдан ундириладиган сумма ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

- кам чиққан товар-моддий захираларнинг қийматини ҳисобдан чиқарилиши товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредитида ва 170 “Камомадларга доир ҳисоб-китоблар” субсчётининг дебитида акс эттирилади. Агарда, мазкур товар-моддий захираларнинг қиймати ва моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган сумма ўртасида фарқ мавжуд бўлса, ушбу фарқ сумма 170 “Камомадларга доир ҳисоб-китоблар” субсчётининг дебитида (ёки кредитида) ва 272 “Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчётининг кредитида (ёки товар-моддий захираларнинг сотиб олиниш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебитида) акс эттирилади;

- айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебитида ва 170 “Камомадларга доир ҳисоб-китоблар” субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Агарда аниқланган камомад ўрнига моддий жавобгар шахснинг ташкилот ихтиёрига берган товар-моддий захираларининг қиймати камомад чиққан товар-моддий захиралар қийматига тенг ёки кам бўлса, ушбу товар-моддий захиралар белгиланган тартибда бозор қийматида кирим қилинади, етишмайдиган қисми эса, моддий жавобгар шахс томонидан пул маблағларини киритиш билан қопланади ва бухгалтерия ҳисобида белгиланган тартибда акс эттирилади.

Сотиш учун тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулотлар, шу жумладан, қисман ташкилотнинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотларнинг кирим қилиниши 050 “Тайёр маҳсулот” субсчётининг дебитида 090 “Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар” субсчёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Харидорлар (буюртмачилар)га ортиб жўнатилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи ушбу харидор (буюртмачи)лар томонидан ҳисобкитоб ҳужжатлари тақдим этилганда 050 “Тайёр маҳсулот” субсчётининг кредитидан 200 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” субсчётининг дебетиға ҳисобдан чиқарилади.

Сотиб олинган товар-моддий захираларнинг қиймати ҳисобда:

Дебит 091 “Товар-моддий захираларға бошқа харажатлар”

Кредит 15 “Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” .

Товар-моддий захираларнинг қиймати бўйича кирим қилиниши:

Дебит 06 счётнинг тегишли субсчётлари

Кредит 091 “Товар-моддий захираларға бошқа харажатлар”.

Бошқа юридик ва жисмоний шахслардан беғараз олинган товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобига кирим қилиш вақтида белгиланган тартибда аниқланган жорий бозор қиймати бўйича:

Дебит 091 “Товар-моддий захираларға бошқа харажатлар”

Кредит 262 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар” Агарда, ушбу товар-моддий захиралар бўйича етказиб бериш ва шу билан боғлиқ бошқа харажатлар амалға оширилса, у ҳолда ушбу харажатлар мазкур товар-моддий захираларнинг қийматини оширади:

Дебит 091 “Товар-моддий захираларға бошқа харажатлар”

Кредит 15 “Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”

Товар-моддий захираларнинг қиймати бўйича кирим қилиниши:

Дебит 06-счётнинг тегишли субсчётлари

Кредит 091 “Товар-моддий захираларға бошқа харажатлар”

Товар-моддий захиралар фойдаланиш жараёнида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади. Фойдаланиш жараёнида, шунингдек, беғараз берилиши муносабати билан товар-моддий захиралар қийматини ҳисобдан чиқарилиши 06–счётнинг тегишли субсчётлари кредитига ва ушбу товар-моддий захираларнинг сотиб олиниш манбасидан келиб чиққан ҳолда,

хақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ва 271 субсчётларнинг тегишлисини дебетиға ёзиш йўли билан акс эттирилади. Озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари бошқа товар-моддий захиралар сарфига доир операциялар ҳисоби 396-шаклдаги материаллар сарфига доир жамланма қайдномада юритилади.

2.3 Бюджет ташкилотларида дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китоблар ҳисоби

Дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби учун дебитор ва кредитор қарзларни уларни пайдо бўлиш сабаблари ва хусусиятига қараб ҳисобга олинадиган счётлар рўйхатида қуйидаги субсчётлар кўзда тутилган:

150 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб- китоблар» субсчёти;

152 «Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар»;

154 «Суғурта бўйича тўловлар»;

155 «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар»;

156 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар»;

159 «Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар».

170 «Қамомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

172 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

178 «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Мол етказиб берувчилар билан капитал қўйилмалар ҳисобидан қурилиш материаллари, конструкциялар ва қисмлар ҳамда ўрнатиладиган ускуналар сотиб олишга, шунингдек, пудратчилар билан уларга қурилишда сарфлаш ва ўрнатиш учун берилган қурилиш материаллари, конструкциялар, қисмлар ва ўрнатиладиган ускуналарга ҳамда улар бажарган қурилиш-монтаж ишларига

доир ҳисоб-китоблар 150 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчётида ҳисобга олинади¹⁶.

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби олиб борилганда:

Дебет: 150 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит: мол етказиб берувчилардан олинган қурилиш материаллари, конструкциялар ва қисмлар ҳамда ўрнатиладиган ускуналар суммаси ёзилади.

Мол етказиб берувчиларга бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган капитал қурилишда сарфланадиган қурилиш материаллари, конструкциялар ва қисмлар ҳамда ўрнатиладиган ускуналар сотиб олиш учун ўтказиб берилган пул маблағлари суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 150 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит 093 «Республика бюджети бўйича капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти ёки

Кредит 103 «Капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти.

Мол етказиб берувчиларга махсус маблағлар ҳисобидан ўтказиб берилса:

Дебет 150 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит 111 «Махсус маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 2169 сонли “ Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги йўриқнома.

Мол етказиб берувчилардан капитал қурилишда сарфлаш учун сотиб олинган қурилиш материаллари, конструкциялар ва қисмлар ҳамда ўрнатиладиган ускуналар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 040 «Ўрнатиладиган ускуналар» субсчёти ёки

Дебет 041 «Капитал қурилиш учун қурилиш материаллари» субсчёти;

Кредит 150 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Пудратчиларга капитал қурилишда сарфлаш учун берилган қурилиш материаллари, конструкциялар ва қисмлар ҳамда ўрнатиладиган ускуналар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 150 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит 040 «Ўрнатиладиган ускуналар» субсчёти ёки

Кредит 041 «Капитал қурилиш учун қурилиш материаллари» субсчёти.

Пудратчилардан қабул қилиб олинган бажарилган қурилиш-монтаж ишлари суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 203 «Капитал қўйилмаларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти ёки

Дебет 212 «Капитал қўйилмаларга ва ускуна сотиб олишга махсус маблағлар бўйича харажатлар» субсчёти;

Кредит 150 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Пудратчилардан қабул қилиб олинган бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ўтказиб берилган пул маблағлари суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 150 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит 093 «Республика бюджети бўйича капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти ёки

Кредит 103 «Капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти ёки

Кредит 111 «Махсус маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти.

150 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчётига доир аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчи ва пудратчи бўйича 292-а-шаклдаги карточкада (ёки 292-шаклдаги китобда) олиб борилади.

154 «Суғурта бўйича тўловлар» субсчёти суғурта бўйича тўловларга доир ҳисоб-китобларни, жумладан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қўлланилади.

Ушбу субсчётнинг кредит томонида ташкилотлар томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммаси ҳамда суғурта мажбуриятлари билан боғлиқ бошқа мажбуриятларни ҳисобланиши, дебет томонидан эса, ҳисобланган мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммаларини, шунингдек бошқа суғурта мажбуриятларининг тўланиши (бажарилиши) акс эттирилади.

Жумладан, иш берувчининг (ташкилотнинг) фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммаси ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ва 271 субсчётларнинг тегишлисини дебетида ва 154 “Суғурта бўйича тўловлар” субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Ўтказиб берилган суммалар эса, 154 “Суғурта бўйича тўловлар” субсчётнинг дебетида ва тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар кредитида акс эттирилади.

Айрим шахсларнинг бўйнига қўйилган пул маблағлари, инвентарлар ва материалларнинг камомадлари ва талон-торожлар бўйича қарзлар ҳамда айбдор шахслар ҳисобига ўтказилган материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг бузилиши натижасида содир бўлган нобудгарчиликлар

170 «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётида ҳисобга олинади.

170 «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг дебетига камомадлар қарзлар суммаси ёзилади, бу субсчётнинг кредитига камомадлар ва талон-тарожлар ҳамда бузилишдан содир бўлган нобудгарчиликлар бўйича қарзларни тўлаш ҳисобига тушган суммалар ёзилади.

Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича аниқланган камомадлар ва нобудгарчиликлар айбдор шахслар ҳисобига қўйилганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

а) материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳисобдаги баҳолари бўйича суммаларига

Дебет 170 «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит 060-069 «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчётлари.

б) Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳисобдаги баҳолари бўйича қиймати билан чакана баҳолари бўйича қиймати ўртасидаги фарқ суммасига

Дебет 170 «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит 140 «Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти ёки

Кредит 230 «Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш» субсчёти

Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар бўйича аниқланган камомадлар ва нобудгарчиликлар айбдор шахслар ҳисобига қўйилганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

а) Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг ҳисобдаги баҳолари бўйича суммаларига

Дебет 260 «Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлардаги фонд» субсчёти;

Кредит 070 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар» субсчёти ёки

Кредит 071 «Фойдаланишдаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар» субсчёти ёки

Кредит 072 «Омбордаги ички кийимлар, кўрпа-тўшаклар, кийим-кечаклар ва пойафзаллар» субсчёти ёки

Кредит 073 «Фойдаланишдаги ички кийимлар, кўрпа-тўшаклар, кийим-кечаклар ва пойафзаллар» субсчёти;

172 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчётида болаларни мактабгача тарбия ташкилотларида сақланганлиги, болалар мусиқа мактабларида ўқитилганлиги, тарбияланувчилар мактаб-интернатларда сақланганлиги учун ота-оналар билан, иш жойида овқатланганлиги учун ишчи ва хизматчилар билан, форма кийимлари учун ишчи ва хизматчилар билан, мактаблар қошидаги интернатларда болалар овқатланиши учун ва бошқалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақидан ушланган солиқлар суммаларини ва бюджет билан бошқа ҳисоб-китоблар ҳисоби учун 173 «Бюджет тўловларига доир ҳисоб-китоблар» субсчёти тайинланган. Бу пассив субсчётдир. 173 «Бюджет тўловларига доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг кредитида меҳнат ҳақидан ушланган солиқ суммалари ва бошқа тушумлар қайд қилинади, бу субсчётнинг дебетида ходимларнинг даромадидан ушлаб қолинadиган солиқ суммасини камайтириш ҳисобига уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиш учун чегириб қолинган тўлов суммаси ва ушланган даромад солиғининг қолган қисмининг бюджетга ўтказилиши қайд қилинади.

Меҳнат ҳақидан ва бошқа даромадлардан ушланган даромад солиғи суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 180 «Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит 173 «Бюджет тўловларига доир ҳисоб-китоблар» субсчёти

Бошқа счётларда ҳисобга олинмайдиган дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар 178 «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчётида ҳисобга олинади. Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби позицияли усулда 408-шаклдаги йиғма ведомостда (6-мемориал-ордерда) юритилади. Бошқа дебиторлар ва

кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби 292-а-шаклдаги карточкаларда (292-шаклдаги китобда) ҳам юритилиши мумкин.

Турли ташкилотлардан асосий воситалар сотиб олинганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 010-013, 015-019 «Асосий воситалар» субсчётлари;

Кредит 178 «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги иккинчи бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти ёки

Дебет 211 «Махсус маблағлар бўйича харажатлар» субсчёти;

Кредит 250 «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти.

Турли ташкилотлардан материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олинганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 060 – 069 «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчётлари;

Кредит 178 «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Турли ташкилотлардан кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар сотиб олинганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 070 «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар» субсчёти ёки

Дебет 072 «Омбордаги ички кийимлар, кўрпа-тўшаклар, кийим-кечаклар ва пойафзаллар» субсчёти;

Кредит 178 «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги иккинчи бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» ёки

Дебет 211 «Махсус маблағлар бўйича харажатлар» субсчёти;

Кредит 260 «Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлардаги фонд» субсчёти.

Турли ташкилотлардан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қабул қилинганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти ёки

Дебет 211 «Махсус маблағлар бўйича харажатлар» субсчёти;

Кредит 178 «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Ташкилотларга улардан сотиб олинган асосий воситалар, материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда қабул қилиб олинган бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маблағ ўтказиб берилганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 178 «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит 090 «Республика бюджети бўйича ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти ёки

Кредит 100 «Ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти ёки

Кредит 111 «Махсус маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти.

2-боб бўйича хулоса

Демак, бюджет ташкилотларида ҳам асосий воситалар — бир йил ва ундан ортиқ хизмат қиладиган ҳамда ҳар бирининг қиймати энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кам бўлмаган моддий активлардир. Бюджет ташкилотларида қиймати ва хизмат қилиш муддатидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуроллари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар,

кутубхона фондлари, музей қийматлиқлари, ҳайвонат оламининг экспонатлари ва намунавий лойиҳалаш бўйича ҳужжатлар, асосий воситалар таркибига киради.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи счётларда ташкилотга тегишли бўлган ва хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган мол-мулклар, жумладан, қурилиш – таъмирлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ва ёнилғилар, озуқа ва ем-хашак, тара (идиш)лар, қишлоқ хўжалигимаҳсулотлари ва ишлаб чиқариш буюмлари, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари, ўқув, илмий ва бошқа мақсадлар учун материаллар ҳамда лаборатория синовиди бўлган, узоқ вақт фойдаланиладиган материаллар, шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари учун махсус асбоб-ускуналар ва бошқалар ҳисобга олинади.

Дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби учун дебитор ва кредитор қарзларни уларни пайдо бўлиш сабаблари ва хусусиятига қараб ҳисобга олинади ва улар бюджет ташкилоти бухгалтерия ҳисобида хусусиятига қараб бухгалтерия ҳисоби регистрларига акс эттирилади.

III бoб. БЮДЖЕТ ИЖРОСИ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

3.1. Бюджет ташкилотларида даромад ва харажатлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўналишлари.

Бюджетнинг даромадлари ва харажатлари бюджет ҳисобининг асосий объектлари бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларнинг бюджет ижроси жараёнининг айрим босқичларидаги ҳисоби муҳим аҳамиятга эга.

Давлат бюджети даромадлари иқтисодий мазмуни бўйича:

- 1) юридик шахслардан тушган маблағлар;
- 2) жисмоний шахслардан тушган маблағларга бўлинади.

Давлат бюджети даромадлари бюджетга тушиш тавсифи бўйича:

- 1) солиқлар сифатидаги тушумлар;
- 2) носолиқ тушумларга бўлинади.

Давлат бюджети даромадлари уларнинг ҳисобланиш ва келиб тушиш даврлари бўйича:

- 1) ҳисобланган даромадлар;
- 2) касса даромадларига бўлинади.

Давлат бюджетининг ҳисобланган даромадлари. Бюджетнинг касса органига келиб тушгунига қадар давлат солиқ ҳамда молия органлари томонидан ҳисобланиши керак бўлган даромадлар давлат бюджетининг ҳисобланган даромадлари, деб аталади. Давлат солиқ ва молия органларида ҳисобланган даромадларнинг фақат тезкор ҳисоби олиб борилади¹⁷.

Давлат бюджетининг касса даромадлари. Бюджетнинг банкдаги счётларига ҳақиқатда келиб тушган даромадлар давлат бюджетининг касса даромадлари, деб аталади. Касса даромадлари бюджетнинг даромад қисмининг бажарилиш

¹⁷ Бюджет ташкилотларининг даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Низом 1999 йил № 859.

даражасини белгилайди. Шунинг учун ҳам бюджет даромадларининг тушуми ҳақида фақат касса даромадлари бўйича баҳо берилади.

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”¹⁸ га асосан давлат бюджети даромадлари қуйидагилар асосида шакллантирилади:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар;
- мерос, ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлар;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини ва чет давлатларга ажратилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар.

Давлат бюджети қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) республика бюджети;
- 2) Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ва маҳаллий бюджетлар.

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли фондлари ҳам жамланади. Вилоятнинг бюджети вилоят бюджетини, вилоят таркибига қирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Давлат бюджетига келиб тушган маблағларнинг тўғри ва ўз вақтида қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 23402 «Республика бюджетининг маблағлари» ҳисобварағи Марказий банкнинг Тошкент шаҳар ва ҳудудий Бош бошқармаларининг ҳисоб-китоб касса марказларида ҳамда тижорат банкларида бюджет даромадлари таснифига асосан очилади.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 9-боб 50 модда Тошкент-2014

Давлат бюджетининг бухгалтери ҳисоби, бюджетга даромадлар тушуми устидан, ҳар бир солиқ тўловчи томонидан бюджетга тўловларни ўтказиши устидан тизимли назоратни таъминлаш вазифасини бажаради.

Бюджет даромадлари асосан банк муассасаларига тушади. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиб, молия органлари банк муассасалари томонидан даромадлар тушумларини республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўғри ўтказётганлигини кузатиб боради.

Йил бошига қадар молия органлари банк муассасаларига ҳар бир туман ёки шаҳар бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлар ва ташкилотларнинг рўйхати ва улардан ундириладиган тўловлар рўйхати, бу тўловлар қайси бюджетга ва бюджет таснифининг қайси бўлимига тўловлар ўтказилиши кераклиги тўғрисида хабар беради. Бир вақтнинг ўзида банк муассасаларига ҳар йили умумдават солиқлари ва даромадларининг тақсимланиш ҳажмлари ва бу солиқ ва даромадлардан маҳаллий бюджетларга қилинадиган ажратмалар ҳажмлари ҳақида хабар беради.

Молия органларида бюджет даромадларининг бухгалтерия ҳисобини молия органининг бухгалтерия хизмати олиб боради, уларнинг тезкор ҳисобини эса солиқ органлари олиб боради. Молия органининг бухгалтерия хизмати фақат мазкур бюджетнинг даромадларинигина ҳисобга олиб боради. Молия органи функцияларига барча даромадларнинг, қайси бюджетга келиб тушишидан қатъи назар, ҳисобланиши, келиб тушиши, ҳисобга ўтказилиши ва қайтарилишини ҳисобга олиш киради. Солиқ органи даромадлар турлари бўйича шахсий счётлар олиб боради, бюджетга тушган даромадларнинг тезкор маълумотларини аниқлайди.

Бюджет даромадлари турли ҳужжатларга асосан бюджет таснифи бўйича ҳисобга олинади.

Давлат бюджети даромадларининг таснифи деганда қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат бюджети даромадларининг турлари ва манбалари бўйича гуруҳлаштириш тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ойлик ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида республика

бюджети даромадларининг бухгалтерия ҳисоби учун асос бўлиб хизмат қилади¹⁹.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига мувофиқ давлат бюджети даромадлари шакллантирилади.

Давлат бюджети даромадлари таснифи:

Бюджетлар маблағлари манбалари ва даражалари таснифи				Даромадларни таснифлаш			Ташкилий тасниф	Худудий тасниф	
X	XXX	X	X	X	XXX	XXX	XX	XX	XXX

Бюджетлар маблағлари манбалари ва даражалари таснифи (1-6 кодлар) бюджетга тушаётган даромадларни тегишли манбалар ва даражаларга мансублигини аниқлаш мақсадида фойдаланилади (мас келувчи бюджет даражаси, давлат мақсадли жамғармаси тури ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадлари тури)

3-расм Давлат бюджети даромадлари таснифи

Давлат бюджети даромадлари таснифи:

Бюджетлар маблағлари манбалари ва даражалари таснифи				Даромадларни таснифлаш			Ташкилий тасниф	Худудий тасниф	
X	XXX	X	X	X	XXX	XXX	XX	XX	XXX

1	000	0	0	Давлат бюджети					
1	000	1	0	Республика маблағлари					
1	000	2	0	Маҳаллий маблағлари					
1	000	2	1	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасидаги маблағлари					
1	000	2	2	Шаҳар ва туманлар даражасидаги бюджет маблағлари					
1	000	2	3	Туманга буйсунувчи шаҳарлар маблағлари					
2	001	0	0	Пенсия фонди					

¹⁹ Остонокулов М. «Бюджет ҳисоби» Тошкент Иқтисод-молия 2007й.

Давлат бюджети даромадлари таснифи:

Бюджетлар маблағлари манбалари ва даражалари таснифи				Даромадларни таснифлаш			Ташкилий тасниф	Ҳудудий тасниф	
X	XXX	X	X	X	XXX	XXX	XX	XX	XXX



Даромадлар таснифи (даромадларнинг 7-13 кодлари) қуйидаги гуруҳлардан ташкил топган:

- бўлим;
- параграф;
- даромад турлари.

Давлат бюджети даромадлари таснифи:

Бюджетлар маблағлари манбалари ва даражалари таснифи				Даромадларни таснифлаш			Ташкилий тасниф	Ҳудудий тасниф	
X	XXX	X	X	X	XXX	XXX	XX	XX	XXX



Ташкилий тасниф (14-15 кодлар) бюджетга тушаётган маблағларни уларни бевосита бошқарувчи ташкилотларга тегишли эканлигини аниқлашдан иборат бўлади. (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси, Давлат Божхона Қўмитаси, Адлия Вазирлиги, Ички Ишлар Вазирлиги ва б.)

Қуйи бюджетларга дотация, субвенция, бюджет ссудалари ва маблағлари ўтказилганда, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича юқори (қуйи) бюджетнинг қуйи (юқори) бюджет олдидаги қарзини қайтаришида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига бириктирилган коддан фойдаланилади.

Давлат бюджети даромадлари таснифи:

Бюджетлар маблағлари манбалари ва даражалари таснифи				Даромадларни таснифлаш			Ташкилий тасниф	Ҳудудий тасниф	
X	XXX	X	X	X	XXX	XXX	XX	XX	XXX

Ҳудудий тасниф (16-20 кодлар) тушаётган даромадларнинг қайси ҳудудда шаклланаётганини (тегишли эканлигини) аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Мисол учун: 03401 Андижон вил.Андижон ш.
08228 Жиззах вил. Пахтакор т.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқ ва тўловлар амал қилади:

- 1) умумдавлат солиқлари;
- 2) маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Умумдавлат солиқлари тегишли бюджетлар ўртасида ҳар йили бюджет тўғрисидаги қонунда белгиланадиган меъёр бўйича тақсимланади.

Давлат бюджетига келиб тушган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан қабул қилинади ва белгиланган тартибда 23402 «Республика бюджети маблағлари» ҳисобварағига кирим қилинади.

Давлат бюджетининг 23402 «Республика бюджети маблағлари» ҳисобварағига келиб тушган солиқ ва бошқа тўловлар ҳисобидан белгиланган тартибда ва миқдорда Республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ажратма қилинади.

Давлат бюджети даромадлари ҳисобварағига келиб тушган маблағларнинг кирим қилинганлиги тўғрисида ҳисобварақдан кўчирма ва иловалар банклар томонидан ўрнатилган тартибда солиқ органларига берилади.

Жарима солиш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга солинган жарима суммалари банклар томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджетига тушувчи даромадлар, қуйидаги иккинчи даражали счётлари бўлган, 04 пассив биринчи тартибли счётда ҳисобга олинади:

040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти;

041 - «Аниқланмаган тушумлар» субсчёти;

042 - «Вақтинча маҳаллий бюджет даромадларига ўтказилган суммалар» субсчёти;

043 – «Маҳаллий бюджетга юқори бюджетнинг прогноз қилинган кўрсаткичларининг ортиғи билан бажарилишидан келиб тушган даромадлар» субсчёти;

045 – «Мақсадли схемалар бўйича маблағлар тушуми» субсчёти.

040 - «Бюджет даромадлари» субсчётида Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг банк муассасаларидаги ҳисобварақларига келиб тушган уларнинг барча даромадлари ва вақтинча маҳаллий бюджет даромадларига ўтказилган суммалар ҳамда бюджет даромадларига ортиқча келиб тушган суммаларни қайтаришга доир операциялар ҳисобга олинади. Бундан ташқари, даромадларда мақсадли молиялаштириш шакллари бўйича келиб тушган даромадлар ва амалдаги қонунларга мувофиқ келиб тушган бошқа тушумлар акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида банк муассасаларининг ойлик ҳисоботида мувофиқ республика бюджетига келиб тушган даромадлар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 010 - «Республика бюджети маблағлари депозит ҳисобварағи» субсчёти;

Кредит 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти.

Маҳаллий молия органларида, банк муассасалари кўчирмалари асосида маҳаллий бюджетларга тушган даромадлар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 011 - «Маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағи» субсчёти;

Кредит 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти.

Бюджетда тўловларни ҳисобга олиш ва уларни қайтариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ белгиланади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетга ортиқча тўланган суммаларининг қайтарилиши бўйича ёзган аризалари солиқ органига келиб тушади. Солиқ органи тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларидаги маълумотлар асосида кўрсатилган тўлов бўйича тўловчида ортиқча тўланган сумманинг мавжудлиги тўғрисида хулоса беради ва кўрсатилган суммани бюджетдан қайтариш ёки уни келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши учун тўловчининг аризаси билан бирга молия органига юборилади.

Маҳаллий молия органларида, маҳаллий бюджет даромадларига ортиқча тушган ва маҳаллий молия органлари томонидан тўловчиларга қайтарилган суммаларга, қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти;

Кредит 011 - «Маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағи» субсчёти.

Даромадларни қайтариш бюджет даромадлари таснифининг ҳисобга ўтказилган бўлинмаси бўйича, агар меъёрий ҳужжатлар билан бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, амалга оширилади. Ўтган йили ортиқча тушган ва бекор қилиниши натижасида жорий йилда тушиши кўзда тутилмаган ҳамда боқиманда ҳосил бўлиши ва тўловчиларда маблағ йўқлиги натижасида жорий йилда келиб тушмаган суммалар бўйича бюджетга тўловлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таснифининг 12- «Йиғимлар ва ҳар хил носолиқ даромадлар» бўлимининг 25- «Бошқа тушумлар» параграфи бўйича қайтарилади.

043-«Бюджетларга юқори бюджетнинг прогноз қилинган кўрсаткичларининг ортиғи билан бажарилишидан келиб тушган даромадлар» субсчётида маҳаллий бюджетларга юқори бюджетнинг прогноз қилинган кўрсаткичларининг ортиғи билан бажарилишидан келиб тушган маблағлар ҳисобга олиб борилади.

045-«Мақсадли схемалар бўйича маблағлар тушуми» субсчётида мақсадли схемалар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун келиб тушган маблағлар ҳисоби олиб борилади. 045-«Мақсадли схемалар бўйича маблағлар тушуми» субсчётининг кредитига мақсадли схемалар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағлари суммалари олиб борилади, 045-«Мақсадли схемалар бўйича маблағлар тушуми» субсчётининг дебетига эса молия йилининг охирида якуний айланмалар сифатида 025-«Мақсадли схемалар бўйича маблағларнинг сарфланиши» субсчётининг кредитидан ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммалари қайд қилинади.

Келиб тушган суммани мазкур бюджетнинг даромадларига ўтказиш учун етарли асос бўлмаса ёки келиб тушган суммани бюджет таснифининг қайси бўлинмасига ўтказишнинг имконияти бўлмаса, бундай сумма аниқланмаган тушум, деб аталади.

Маҳаллий бюджетларга келиб тушган ноаниқ суммаларнинг ҳисобини ва уларни аниқлаш билан тегишли маҳаллий молия органлари олиб боради. Бундай маблағлар келиб тушганда тегишли маҳаллий молия органида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 011 - «Маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағи» субсчёти;

Кредит 041 - «Аниқланмаган тушумлар» субсчёти.

Агар бу суммалар мазкур маҳаллий бюджет даромадлари эмаслиги аниқланса, у ҳолда бу суммалар қайтарилади. Аниқланмаган тушум қайтарилганда тегишли маҳаллий молия органида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 041 - «Аниқланмаган тушумлар» субсчёти;

Кредит 011 - «Маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағи» субсчёти.

Агар аниқланмаган тушумлар сифатида ҳисобда турган сумма мазкур бюджет даромадларига тегишли эканлиги аниқланса, у ҳолда тегишли

махаллий молия органи бухгалтерия хизматида бу хўжалик операциясини куйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирилади:

Дебет 041 - «Аниқланмаган тушумлар» субсчёти.

Кредит 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти.

Аниқланмаган тушумлар маҳаллий бюджетнинг ҳисобварағига келиб тушган кунидан бошлаб бир ой мобайнида, декабр ойида келиб тушганлари эса 31 декабргача аниқланилмаса, у ҳолда бу суммалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таснифининг 12- «Йиғимлар ва ҳар хил носолиқ даромадлар» бўлимининг 25- «Бошқа тушумлар» параграфи бўйича даромадларга ўтказилади. Маҳаллий молия органи бухгалтерия хизматида бу хўжалик операцияси куйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 041 - «Аниқланмаган тушумлар» субсчёти;

Кредит 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга келиб тушган даромадлар ва аниқланмаган тушумлар суммаларининг аналитик ҳисоби «Даромадлар» китобида (5-шакл) олиб борилади.

Давлат бюджети даромадларининг аналитик ҳисоби асосида, бу ҳисоб қайси молия органига юклатилганлигидан қатъи назар, бюджет даромадлари таснифи ётади.

Мемориал-ордер ва келиб тушган даромадлар тўғрисидаги маълумотномаларга асосан бу китобнинг «Кредит» устунига, ҳар бир даромад тури учун белгиланган қаторлар бўйича ёзувлар қилинади. Давлат солиқлари ва даромадларидан ортиқча ажратилган суммалар ушбу китобга алоҳида қатор бўйича ёзилади. Нотўғри ёки ортиқча тушган даромадлар, «Дебет» устунида хронологик тартибда ёзилади. Бу ёзувда мемориал-ордернинг тартиб рақами, даромадларнинг бўлими, боби, параграфи ҳамда суммаси кўрсатилади. Сўнгра жорий ой бўйича, йил бошига ва 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти бўйича жами ҳисоблаб чиқилади.

Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан Республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар алоҳида ҳар бир солиқ ва бошқа тўловлар бўйича, уларнинг шахсий ҳисобварақларидан ажратма қилинади.

Умумдават солиқлари ва даромадларидан маҳаллий бюджетларга ажратмалар республика бюджети ҳисобига ўтказилади ва бу бюджетнинг харажатлари кўринишида ифодаланади.

Маҳаллий бюджетларга умумдават солиқлари ва даромадларидан юқори бюджет томонидан тасдиқланган фоизлар асосида ажратмалар қилинади, молия органига банк муассасалари томонидан тузиладиган ажратмалар ведомости берилади. Бу ведомостга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида қилинган ажратмалар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 020 - «Бюджет харажатлари» субсчёти;

Кредит 010 - «Республика бюджети маблағлари депозит ҳисобварағи» субсчёти.

Маҳаллий бюджетларни ижро этувчи молия органларида бу суммалар даромадга олинади ва бу операция қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 011 - «Маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағи» субсчёти;

Кредит 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти.

Маҳаллий бюджет даромадларига йил мобайнида ортиқча ажратмалар суммалари тушганда, улар «Даромадлар» китобида алоҳида қатор билан ажратилади. Агар йил охирида маҳаллий бюджетнинг «Маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағи»да маблағ йўқлиги учун республика бюджетига қайтарилмаган, маҳаллий бюджетда умумдават солиқлари ва даромадларидан ортиқча олинган ажратмалар қолса, бу суммалар молия органи томонидан ҳисобдан чиқарилиши керак. Бу операция учун маҳаллий молия органларида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти;

Кредит 042 - «Вақтинча маҳаллий бюджет даромадларига ўтказилган суммалар» субсчёти.

Умумдават солиқлари ва даромадларидан ажратмалар бу шаклда ҳар бир қуйи бюджет бўйича ҳамда мазкур бюджетнинг қуйидаги кўрсаткичларига биноан: солиқ ёки даромаднинг номи; ажратма учун ўрнатилган фоиз; ажратилган сумма, ҳисобга олинади. Шаклга ёзувлар банк муассасаларидан маҳаллий бюджетларга ажратмалар ведомости олингандан кейин амалга оширилади. Ёзув қилинишидан олдин ҳудудий молия органининг бухгалтерия хизмати, ведомостда кўрсатилган ажратмалар суммасини, тасдиқланган бюджет бўйича ўрнатилган фоизларга мос келишини текширади. Ҳар бир ойнинг тугаши билан мазкур шакл бўйича ой учун ва йил бошидан буён якуний жамланган суммалар ҳисоблаб чиқилади. Давлат бюджет харажатлари – бу ҳукумат функция ва вазифаларини амалга ошириши ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш таъминоти учун йўналтирилган пул маблағларидир²⁰.

Давлат бюджети харажатларининг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи деганда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича давлат бюджети харажатларини гуруҳлаштириш тушунилади.

- Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи деганда бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар тури бўйича давлат бюджети харажатларини гуруҳлаштириш тушунилади.

- Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи деганда тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича давлат бюджети харажатларини гуруҳлаштириш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексига асосан давлат бюджетининг

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг №2169 сонли “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш” йўриқнома.

харажат қисми қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш харажатлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб- қувватлаш харажатлари;
- иқтисодиёт харажатлари;
- марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш харажатлари;
- судларни, адлия ва прокуратура органларини сақлаб туриш харажатлари;
- фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;
- бошқа харажатлар²¹.

Республика бюджетида турувчи бюджет маблағларини тасарруф қилувчилар уларга кредит очилиши билан бюджет маблағларини харажат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва маҳаллий бюджетларда турувчи бюджет маблағларини тасарруф қилувчилар ўзларининг Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва маҳаллий бюджетлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварақларига маблағ тушган вақтда бюджет маблағларини харажат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бюджет ташкилотлари тасдиқланган сметаларга ва молиявий интизомга қатъий риоя қилган ҳолда бюджет маблағларини харажат қилишлари керак.

Бюджет ташкилотларининг харажатлари касса харажатлари ва ҳақиқий харажатларга бўлинади.

Касса харажатлари бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан банк муассасаси томонидан нақд пул ва пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан тўланган харажатлардир. Бюджет ташкилотининг кассасидан тўланган суммалар касса харажатларига кирмайди, чунки бу суммалар бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан олинганида улар касса харажатларига қўшилган.

Ҳақиқий харажатлар – бюджет ташкилотини сақлашга бюджет маблағлари ҳисобидан қилинган харажатлардир, яъни бюджет маблағлари

²¹ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 13-боб, 69 модда.

ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларни ташкил қилувчи суммалар. Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар қуйидаги иккинчи тартибли счётларда (субсчётларда) ҳисобга олинади:

200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти;

202 - «Бошқа бюджетлар ҳисобидан харажатлар» субсчёти;

203 - «Капитал қўйилмаларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти.

Бу субсчётлар актив субсчётлардир. Бу субсчётларнинг дебетиға ҳақиқий харажатларнинг суммалари қайд қилинади, унинг кредитида эса, бюджет бўйича молиялаштириш ҳисобидан йил тугагандан сўнг ҳисобдан чиқарилган харажатлар суммалари бўлади.

Одатда, йил тугагандан кейин бу субсчётларда қолдиқ қолиши мумкин эмас. Бу субсчётларда қолдиқ бўлиб, декабрь ойининг иккинчи ярми учун ҳисобланган меҳнат ҳақи ҳамда бюджет ташкилоти томонидан ўрнатилган тартибда жалб қилинган маблағлардан фойдаланган, улар ҳисобидан ёпиладиган харажатлар суммалари қолиши мумкин.

Бюджет ташкилотига кўрсатилган хизматлар (электр энергияси, иссиқ сув, сув, газ ва бошқалар) суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

Кредит 178 - «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Юқорида кўрсатилган хизмат(электр энергияси, иссиқ сув, сув, газ ва бошқа)ларнинг суммаси бюджет ташкилотининг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан тўланганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 178 - «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

Кредит 090 - «Республика бюджети бўйича ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти ёки

Кредит 100 - «Ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи» субсчёти

Бюджет ташкилотининг кассасидан ҳақиқий қилинган харажатлар тўланганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

Кредит 120 - «Касса» субсчёти.

Агар ҳисобдор шахслар ҳақиқий харажатлар қилса, у ҳолда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

Кредит 160 - «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Асосий воситалар сотиб олинганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

1) қабул қилинган асосий воситаларнинг сотиб олиш қиймати:

Дебет 010-013, 015-019 - «Асосий воситалар» субсчётлари;

Кредит 178 - «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

2) қабул қилинган асосий воситаларнинг сотиб олиш қиймати харажатга қўшилганда:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

Кредит 250 - «Асосий воситалардаги фонд» субсчёти.

Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар сотиб олинганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

1) қабул қилинган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларларни сотиб олиш қиймати:

Дебет 070 - «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар» субсчёти ёки

Дебет 072 - «Омбордаги ички кийимлар, кўрпа-тўшаклар, кийим-кечаклар ва пойафзаллар» субсчёти;

Кредит 178 - «Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

2) қабул қилинган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг сотиб олиш қиймати харажатларга қўшилганда:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

Кредит 260 - «Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлардаги фонд» субсчёти.

Харажат қилинган материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобдан чиқарилганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

Кредит 060 – 069 «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчётлари.

Ҳисобланган иш ҳақи суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

Кредит 180 - «Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Талабаларга ва аспирантларга ҳисобланган стипендия суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

Кредит 181 - «Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 200 - «Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар» субсчёти

3.2 Бюджет ташкилотларида бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботлари ва уни ривожлантириш йўналишлари

Бюджет йилининг охирида, яъни 31 декабрда молия органлари бюджет ижроси тўғрисида йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузишга киришади. Бюджет йили охирида йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузилишидан олдин молия органининг бухгалтерия хизмати томонидан барча баланс ҳисоботларидаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги, бюджет ссудалари бўйича ва бюджетлараро ҳисоб-китоблар аҳволи текширилади. Бошқа бюджетлар билан ҳисоб-китоблар, шунингдек, олинган ва берилган бюджет ссудалари бўйича ҳисоб-китоблар йил охиригача тугалланиши керак. Янги йилга бошқа бюджетлар билан ҳисоб-китоблар, олинган ва берилган бюджет ссудалари бўйича қолдиқлар қолмаслиги керак²².

Бюджет ижроси тўғрисида йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузишгача молия органи томонидан йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузишга тааллуқли бир қатор тайёргарлик тадбирларини амалга оширади:

1) барча бюджет ташкилотларини мазкур ташкилотнинг харажатлар сметалар ижроси тўғрисидаги йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузиш тартиби бўйича тегишли маслаҳатлар ва тушунтиришлар беради;

2) бюджет ссудалари бўйича ва бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолатини текширади, шунингдек, бу ҳисоб-китобларни жорий йил ичида тугатиш чораларини кўради;

3) аниқланмаган тушумлар суммалари ҳисобдан чиқаради.

Бюджет ижроси жорий бухгалтерия ҳисобининг субсчётларини яқунлангунга қадар: бюджет маблағларини тасарруф қилувчилар ва банк муассасаларининг текширилган ҳисоботлари асосида барча бюджет

²² Йиллик ва чорак молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тўғрисидаги Низом 2000 йил №942.

харажатларини 020 - «Бюджет харажатлари» субсчёти дебетиға; аниқланмаган тушумлар суммасининг қолдиқларини 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти кредитиға; йилнинг охириға умумдават солиқлари ва даромадларидан маҳаллий бюджетларға ортиқча қилинган ажратмалар суммаларини 040 - «Бюджет даромадлари» субсчётидан 042 - «Вақтинча маҳаллий бюджет даромадларига ўтказилган суммалар» субсчётининг кредитиға ўтказилади.

Бюджет маблағларини бош тасарруф қилувчиларнинг ва банк муассасаларининг текшириб қабул қилинган ҳисоботлари асосида барча амалға оширилган касса бюджет харажатлари суммаларига маҳаллий молия органида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 020 - «Бюджет харажатлари» субсчёти;

Кредит 014 - « Маҳаллий бюджетларнинг бюджет маблағлари бўйича бюджет маблағлари олувчиларнинг депозит ҳисобварақлари» субсчёти;

Кредит 013 - «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларидаги капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирларни молиялаштириш учун бюджет маблағлари ҳисобварағи» субсчёти.

Жорий йилнинг охиригача 041 - «Аниқланмаган тушумлар» субсчётида аниқланилмасдан қолинган ва мазкур бюджетнинг даромадига ўтказилган суммаларға маҳаллий молия органида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 041 - «Аниқланмаган тушумлар» субсчёти;

Кредит 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти.

Жорий йил охириға қилинган ҳисоб-китобларға мувофиқ умумдават солиқлари ва даромадларидан маҳаллий бюджетларға ортиқча қилинган ажратмалар суммалари мазкур маҳаллий бюджетнинг даромадларига вақтинча ўтказилганда, бу вақтинча маҳаллий бюджет даромадларига ўтказилаётган суммаларға маҳаллий молия органида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти;

Кредит 042 - «Вақтинча маҳаллий бюджет даромадларига ўтказилган суммалар» субсчёти.

Бундан кейин молия органлари бюджет ижросини аниқлайди. Бюджет ижроси деб, жорий бюджет йили мобайнидаги касса даромадлари ва харажатларининг барча турлари тушунилади²³. Бюджетнинг касса даромадлари умумий суммаси жорий йил мобайнида, келиб тушиш манбаларидан қатъи назар, барча киримлардан, шунингдек, бошқа бюджетлардан олинган маблағлардан ташкил топади. Бюджетнинг касса харажатларининг умумий суммаси жорий йил мобайнида, харажатларнинг қайси йўналишлар бўйича амалга оширилганидан қатъи назар, амалга оширилган бюджет харажатларидан, шунингдек, бошқа бюджетларга берилган маблағлардан ташкил топади.

Молия органларида жорий йилнинг декабрь ойига тегишли мемориал-ордерларнинг маълумотлари ««Бош-журнал» китоби»га (1-шакл) қайд қилиб чиқилади. «Бош-журнал» бўйича декабрь ойининг айланма суммалари аниқланиб чиқилади ва бухгалтерия ҳисоби субсчётларини йиллик яқунлангунигача бўлган қолдиқ суммалар аниқланади. Бунинг натижасида:

1. Қуйидаги бухгалтерия субсчётлари дебетида:

011 - «Маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағи» субсчётида;

013- «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларидаги капитал қўйилмаларни ва бошқа тадбирларни молиялаштириш учун пул маблағлари» субсчётида;

014 - «Маҳаллий бюджетларнинг бюджет маблағлари бўйича бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳисобварақлари» субсчётида;

020 - «Бюджет харажатлари» субсчётида;

071 - «Республика бюджетига берилган ва ундан олинган маблағлар» субсчётида;

²³ Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисидаги қонуни” 2000 йил 14 январ

072 - «Маҳаллий бюджетларга берилган ва улардан олинган маблағлар» субсчётида қолдиқ суммалари бўлиши мумкин.

2. Қуйидаги бухгалтерия субсчётлари кредитида:

040 - «Бюджет даромадлари» субсчётида;

042 - «Вақтинча маҳаллий бюджет даромадларига ўтказилган суммалар» субсчётида;

071 - «Республика бюджетига берилган ва ундан олинган маблағлар» субсчётида;

072 - «Маҳаллий бюджетларга берилган ва улардан олинган маблағлар» субсчётида қолдиқ суммалари бўлиши мумкин.

Шундан сўнг бюджет ижроси натижаларини аниқлашга киришилади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси натижаларини аниқлаш учун 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчёти тайинланган.

091-«Бюджет ссудалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг республика бюджетига қарзи» субсчётининг кредитига жорий йилнинг охиригача республика бюджетидан олинган бюджет ссудаларининг қайтарилмаган суммаси 051-«Республика бюджетидан олинган бюджет ссудалари» субсчётининг дебетидан ўтказилади. 091-«Бюджет ссудалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг республика бюджетига қарзи» субсчётининг дебетига янги йилнинг январида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджети томонидан республика бюджетига ўтказиб берилган бюджет ссудалари суммаси 011-«Маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағи» субсчётининг кредитидан ўтказилади. Жорий молия йили охирида 092-«Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг республика бюджетидан (республика бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетидан) қарзи» субсчётининг кредитига 061-«Республика бюджети билан ўзаро ҳисоб-

китоблар» субсчётининг дебетидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича республика бюджетига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг қолган қарз суммаси ўтказилади. 092-«Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг республика бюджетидан (республика бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетидан) қарзи» субсчётининг дебетига 061-«Республика бюджети билан ўзаро ҳисоб-китоблар» субсчётининг кредитидан республика бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарз суммаси ўтказилади.

Жорий молия йили охирида 093-«Бюджет ссудалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига туманлар (шаҳарлар) бюджетининг қарзи» субсчётининг кредитига 052-«Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга берилган ва улардан олинган бюджет ссудалари» субсчётининг дебетидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетидан туманлар (шаҳарлар) бюджетлари томонидан олинган, жорий молия йилида қайтарилмаган ва қайтарилиши шарт бўлган бюджет ссудалари суммаси қайд қилинади. 093-«Бюджет ссудалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига туманлар (шаҳарлар) бюджетининг қарзи» субсчётининг дебетига 052-«Маҳаллий бюджетларга берилган ва улардан олинган бюджет ссудалари» субсчётининг кредитидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетини туманлар (шаҳарлар) бюджетларидан олиши керак бўлган бюджет ссудалари суммаси қайд қилинади.

Жорий молия йили охирида 094-«Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича туман (шаҳар) бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетидан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг туман (шаҳар) бюджетидан) қарзи» субсчётининг кредитига ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига туманлар (шаҳарлар) бюджетларининг қарз суммалари қайд қилинади. 094-«Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича туман (шаҳар) бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетидан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг туман (шаҳар) бюджетидан) қарзи» субсчётининг дебетиға Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг туманлар (шаҳарлар) бюджетларига бўлган қарз суммаси қайд қилинади.

Жорий йилнинг 31 декабрь санаси билан якуний операцияларнинг мемориал-ордерлари расмийлаштирилади. Бухгалтерия ҳисоби субсчётларини йиллик якунланишиға тааллуқли қуйидаги якуний операциялар бўлади.

1. Жорий йил давомида мазкур маҳаллий бюджетға келиб тушган бюджет даромадлари умумий суммасиға маҳаллий молия органларида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти;

Кредит 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчёти.

2. Жорий йил давомида мазкур маҳаллий бюджет томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан олинган маблағлар умумий суммасиға маҳаллий молия органларида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 071 - «Республика бюджетига берилган ва ундан олинган маблағлар» субсчёти;

Кредит 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчёти.

3. Жорий йил давомида мазкур маҳаллий бюджет томонидан ўзининг юқори маҳаллий бюджетидан олинган маблағлар умумий суммасиға маҳаллий молия органларида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 072 - «Маҳаллий бюджетларға берилган ва улардан олинган маблағлар» субсчёти;

Кредит 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчёти.

4. Жорий йил давомида мазкур маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилган касса бюджет харажатлари умумий суммасига маҳаллий молия органларида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчёти;

Кредит 020 - «Бюджет харажатлари» субсчёти.

5. Жорий йил давомида мазкур маҳаллий бюджетдан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига берилган маблағлар умумий суммасига маҳаллий молия органларида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчёти;

Кредит 071 - «Республика бюджетига берилган ва ундан олинган маблағлар» субсчёти.

6. Жорий йил давомида мазкур маҳаллий бюджетдан ўзининг юқори маҳаллий бюджетига берилган маблағлар умумий суммасига маҳаллий молия органларида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчёти;

Кредит 072 - «Маҳаллий бюджетларга берилган ва улардан олинган маблағлар» субсчёти.

Бу йиллик якуний операциялар бўйича тузилган бухгалтерия проводкаларининг суммалари ««Бош-журнал» китоби»га (1-шакл) алоҳида сатрларга қайд қилиб чиқилади. «Бош-журнал» бўйича якуний бухгалтерия проводкалар айланма суммалари аниқланиб чиқилади ва бухгалтерия ҳисоби субсчётларини йиллик якунидан сўнгги қолдиқ суммалари аниқланади. Бунинг натижасида:

Қуйидаги бухгалтерия субсчётлари дебетида:

011 - «Маҳаллий бюджет маблағлари депозит ҳисобварағи» субсчётида;

013 - «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларидаги капитал қўйилмаларни ва бошқа тадбирларни молиялаштириш учун пул маблағлари» субсчётида;

014 - «Маҳаллий бюджетларнинг бюджет маблағлари бўйича бюджет

маблағлари олувчиларнинг ҳисобварақлар» субсчётида қолдиқ суммалари бўлиши мумкин.

2. Қуйидаги бухгалтерия субсчётлари кредитида:

042 - «Вақтинча маҳаллий бюджет даромадларига ўтказилган суммалар» субсчётида;

090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчётида қолдиқ суммалари бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган бухгалтерия проводкалари натижасида 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчётида ҳосил бўлган кредитли қолдиқ суммаси мазкур бюджет ижроси натижаси бўлиб ҳисобланади. Йил охирида 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчётида қолдиқ қолса, фақат кредитли қолдиқ бўлиши мумкин ҳолос. Чунки бюджет ижроси, одатда, бюджет даромадлари унинг харажатларидан ортиқ бўлиши керак.

Бу йиллик якуний операциялар қайд қилингандан сўнг ««Бош-журнал» китоби»да (1-шакл) аниқланган бухгалтерия ҳисоби субсчётлари бўйича охириги қолдиқ суммалар асосида тегишли бухгалтерия баланси тузилади. Янги молия йилида, янги йил бюджети тасдиқланганда, ўтган йил якуни бўйича 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчётининг кредитли қолдиқ суммаси бюджетнинг янги йилги харажатларини қоплаш учун йўналтирилиши режалаштирилганда, ўтган молия йилининг якуни бўйича бюджет ижроси натижасининг суммасига маҳаллий молия органларида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дебет 090 - «Бюджет ижроси натижалари» субсчёти;

Кредит 040 - «Бюджет даромадлари» субсчёти.

Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар даврий ва йиллик ҳисоботларга бўлинади. Даврий ҳисобот ойлик ва чорак ҳисоботларга бўлинади. Даврий ҳисоботлар йиллик ҳисоботга нисбатан анча қисқа, уларда шакллар ва кўрсаткичлар сони кам, юқори ташкилотларга ва бошқа органларга топшириш муддатлари қисқа бўлади. Йиллик ҳисоботда келтириладиган

кўрсаткичлар даврий ҳисоботлардагига нисбатан бюджет ижросини кенг ифодалайди.

Ҳисоботлар индивидуал ва йиғма ҳисоботларга бўлинади. Индивидуал ҳисоботлар давлат бюджети ижросида қатнашувчи ҳар бир орган томонидан тузилади. Индивидуал ҳисоботларга молия органларининг ўзлари ижро этаётган бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, бюджет ташкилотлари харажатлар сметаларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ва банк муассасаларининг республика бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари киради. Йиғма ҳисоботларда бюджет ижроси тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлар бўлади. Йиғма ҳисоботлар молия органлари, бюджет ташкилотлари ва банк муассасаларининг индивидуал ҳисоботлари асосида тузилади²⁴.

Молия органлари ўзлари ижро этаётган бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ўзлари бевосита тузади ва бюджет ижросида қатнашувчи бошқа органларнинг ҳисоботларини тайёрлаш ва тузиш бўйича катта ташкилий ишларни амалга оширади.

Молия органларининг ҳисоботи маълум тизимга солинган бюджет ижроси тўғрисидаги режа ва ҳақиқий кўрсаткичларни умумлаштириш ва солиштириш усулидир. Молия органларининг ҳисоботида давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, банк муассасаларидаги пул маблағлари ва бюджет ижроси натижалари қайд қилинади.

Қуйи молия органларининг ҳисобот тақдим этиш муддати ва тартиби юқори молия органлари томонидан йиғма ҳисоботнинг ўз вақтида тақдим этилишининг таъминлашини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ҳар бир молия органи бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни юқори молия органига ва тегишли ҳокимиятга тақдим этади.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қондлари 2002 йил № 1111

Юқорида айтилганидек, давлат бюджети ижроси тўғрисида ойлик, чорак ва йиллик ҳисобот тузилади. Бу ҳисоботлар маҳаллий бюджетлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирлиги ва маҳаллий молия органлари томонидан тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи «Маҳаллий бюджет ижроси тўғрисидаги маълумотнома» шакли (3-шакл), маҳаллий бюджет ижроси тўғрисидаги кодлаштирилган ҳисобот шакли ва маҳаллий бюджетнинг аниқланган режаси тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи маълумотнома шакли ишлаб чиқилган.

Бюджет ижроси тўғрисидаги ойлик ҳисобот қисқа бўлиб, унда бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги асосий кўрсаткичлар берилади. Ойлик ҳисоботда даромадлар бир қанча бўлимларнинг боблари ёки параграфлари бўйича гуруҳлаштирилади ҳамда бўлимлар ва бўлимларнинг параграфлари бўйича кўрсатилади, харажатлар эса бўлимлар ёки бўлимлар гуруҳи бўйича қайд қилинади.

Бюджет ижроси тўғрисидаги йиғма ойлик ҳисоботлар тегишли молия органлари томонидан ўзлари ижро этаётган бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотларига қуйи бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ҳам қўшиш йўли билан тузилади.

Маҳаллий бюджет ижроси тўғрисидаги чорак ҳисоботи ойлик ҳисоботга нисбатан анчагина кенг маълумотларга эга бўлади. Чорак ҳисоботида маълумотлар йил бошидан жами ўсиб бориш тартибида кўрсатилади. Вилоят, туман ва туманларга бўлинган шаҳар бўйича умумий йиғма чорак бухгалтерия ҳисоботлари чорак ҳисоботининг шакллари бўйича ҳамма қуйи бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳам қўшган ҳолда тузилади.

Маҳаллий бюджет ижроси тўғрисидаги чорак ҳисоботи таркибига қуйидагилар киради:

1. Бюджет ижроси тўғрисидаги баланс (0524201-шакл).

2. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот:

1) даромадлар (0524202-шакл);

2) харажатлар (0524204-шакл);

3) харажатларнинг айрим турлари бюджет таснифининг параграф ва моддалари бўйича тақсимланиши (0524205-шакл).

3. Бюджет ташкилотларининг тармоқлари бўйича штатлар ва контингентлари режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот (0524203-шакл).

4. Тежалган ва ривожлантириш фондига ўтказилган бюджет маблағлари тўғрисида ҳисобот (0524206-шакл).

5. Ривожлантириш фонди маблағларининг келиб тушиши ва ишлатилиши тўғрисида чорак ҳисоботи (0524207-шакл).

Чорак ҳисоботига тушунтириш хати илова қилинади.

Бу баланс (0524201-шакл) молия органлари томонидан бош-журнал (ведомост) ва аналитик счётлар бўйича тузилган айланма ведомостлар асосида тузилади. Бюджет ижроси тўғрисидаги баланс тузилгунга қадар айланма ведомостлар маълумотлари бош-журналнинг тегишли маълумотлари билан солиштириб чиқилади..

Жадвал-1

Молия органларининг Давлат бюджети ижроси бўйича бухгалтерия
баланси

АКТИВ			ПАССИВ	
Бўлим			Бўлим	
I	Пул маблағлари		I	Даромадлар
II	Харажатлар		II	Олинган ссудалар
III	Берилган ссудалар		III	Ҳисоблашувлар
IV	Ҳисоблашувлар		IV	Олинган маблағлар
V	Берилган маблағлар		V	Натижалар
	БАЛАНС			БАЛАНС

Бюджет ижроси тўғрисидаги баланснинг актив қисми беш бўлимдан иборат бўлиб, унинг «Пул маблағлари» бўлимида маҳаллий бюджетнинг асосий жорий ҳисобварағидаги, капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирларни молиялаштириш (маблағ билан таъминлаш) учун бюджетнинг банкдаги маблағлари ва маҳаллий бюджетларда турувчи бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларнинг депозит ҳисобварағидаги маблағларининг ҳисобот даври охиридаги қолдиқ суммалар кўрсатилади. Баланснинг «Харажатлар» бўлимида муайян маҳаллий бюджетнинг ҳисобот даври ичида амалга оширган касса харажатлари, «Берилган ссудалар» бўлимида эса қуйи маҳаллий бюджетларга берилган, аммо ҳисобот даври охирида қуйи маҳаллий бюджетлар томонидан ҳали қайтарилмаган ссудалар суммаси кўрсатилади. Бюджет ижроси тўғрисидаги баланснинг «Ҳисоб-китоблар» бўлимида республика бюджети билан ўзаро ҳисоб-китоблар ва маҳаллий бюджетлар билан ўзаро ҳисоб-китобларга доир маълумотлар келтирилса, унинг «Ўтказилган маблағлар» бўлимида эса республика бюджетига ўтказилган маблағлар ва маҳаллий бюджетларга ўтказилган маблағларга доир маълумотлар келтирилади.

Бюджет ижроси тўғрисидаги баланснинг пассив қисми ҳам беш бўлимдан иборат бўлиб, унинг «Даромадлар» бўлимида бюджет даромадлари ва аниқланилмаган тушумлар суммаси кўрсатилади. Баланснинг «Олинган ссудалар» бўлимида республика бюджетидан ва юқори маҳаллий бюджетдан олинган бюджет ссудаларининг ҳисобот даври охиридаги ҳали қайтарилмаган суммалари кўрсатилса, унинг «Ҳисоб-китоблар» бўлимида эса республика бюджети билан, ҳамда маҳаллий бюджетлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича муайян бюджет томонидан берилмаган суммалар кўрсатилади. Баланснинг пассив қисмини «Олинган маблағлар» бўлимида республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган маблағлар суммалари кўрсатилса, унинг «Натижалар» бўлимида эса бюджет ижросининг натижасини кўрсатувчи сумма акс эттирилади.

Бюджет ижроси тўғрисидаги чорак ҳисоботнинг «Даромадлар» қисмида бюджет таснифи ҳар бир бўлимининг параграфлари бўйича келиб тушиши режалаштирилган даромадлар (белгиланган) суммалари, ҳамда уларнинг ҳақиқатда келиб тушганини кўрсатувчи суммалар акс эттирилади. Ҳисоботнинг бу қисмида даромадларнинг умумий суммаси билан бир қаторда даромадлардан харажатларнинг кўпайиши ҳамда харажатларни қоплаш учун ажратилган маблағлардан ташқари, бюджетларнинг йил бошига қолган маблағлар қолдиғлари суммалари ҳам акс эттирилади.

Бюджет ижроси тўғрисидаги чорак ҳисоботнинг «Харажатлар» қисмида бюджет таснифининг ҳар бир бўлимининг боблари, параграфлари ва моддалари бўйича аниқланган, молиялаштирилган ҳамда бажарилган (касса харажати, ҳақиқий харажат) харажатларни акс эттирувчи суммалар берилади. Ҳисоботнинг бу қисмида харажатлар умумий суммаси билан бир қаторда даромадларнинг харажатлардан ошган қисми суммаси, бюджет маблағларининг эркин қолдиқ суммаси ва айланма касса маблағлари суммаси ҳам акс эттирилади.

Бюджет ижроси тўғрисидаги чорак ҳисоботнинг «Харажатларнинг айрим турларининг бюджет таснифини параграф ва моддалари бўйича тақсимланиши» қисмида харажатларнинг қуйидаги турлари бўйича, аниқланган, молиялаштирилган ҳамда бажарилган харажатлар (касса харажати, ҳақиқий харажат)га доир маълумотлар келтирилади:

- иқтисодиётга қилинган харажатлар;
- ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ харажатлар ;
- маорифга қилинган харажатлар ;
- маданият ва оммавий ахборот воситаларига қилинган харажатлар;
- фанга қилинган харажатлар;
- соғлиқни сақлашга қилинган;
- жисмоний тарбияга қилинган харажатлар;
- ижтимоий таъминотга қилинган харажатлар;
- ижтимоий-маданий тадбирларга қилинган харажатлар;

- давлат ҳукумат органларини сақлаш харажатлари;
- давлат бошқарув органларини сақлаш харажатлари;
- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари;
- захира фондларини ташкил қилиш ва сақлаш харажатлари;
- бошқа харажатлар;
- мукофотларни ва рағбатлантиришларни тўлаш бўйича харажатлар;
- референдум ва сайловларни ўтказиш харажатлари;
- капитал қўйилмалар ва лойиҳалаштириш харажатлари;
- турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар;
- мудофаа мажмуи, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа соҳаларнинг маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган харажатлари;
- бошқа бюджетларга ўтказиладиган маблағлар;
- қуйи бюджетга берилган қарзлар;
- маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган маблағлар.

Бюджет ташкилотларининг тармоқлари бўйича штатлар ва контингентлар режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисоботда бюджет таснифи ҳар бир бўлимининг боблари, параграфлари ва туркумлари бўйича ҳисобот даври охиридаги аниқ миқдор келтирилади.

Тежалган ва ривожлантириш фондида ўтказилган бюджет маблағлари тўғрисидаги ҳисоботда маҳаллий бюджетда турувчи бюджет ташкилотларида ҳисобот чорагининг охирги кунига тежаб қолинган ва бюджет ташкилотининг ривожлантириш фонди бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига ўтказилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар ҳар бир бўлимининг боблари бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда кўрсатилади.

Ривожлантириш фонди маблағларининг келиб тушиши ва ишлатилиш тўғрисида чорак ҳисоботида йил бошидаги маблағлар қолдиқ суммаси, ҳисобот даврида тушган даромадлар суммаси, касса харажатларнинг умумий суммаси ва ҳисобот даври охирида қолган қолдиқ суммалар бюджет таснифининг боблари бўйича кўрсатилади. Шу билан бирга, касса харажатлари бюджетнинг иқтисодий таснифи бўйича ҳам кўрсатилади.

Молия органларининг бюджет ижроси тўғрисидаги чорак ҳисоботлари ўзлари ижро этаётган бюджетлар ижросига доир бухгалтерия маълумотлари, бюджет маблағлари бош тасарруф қилувчиларнинг чорак ҳисоботлари ва банк муассасаларининг ҳисоботлари асосида тузилади. Тегишли бюджет ижроси тўғрисидаги йиғма чорак ҳисоботи молия органлари томонидан улар ижро этаётган бюджетларнинг ижросига доир ҳисобот маълумотларига қуйи бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар маълумотларини қўшиш йўли билан тузилади.

Маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги йиллик бухгалтерия ҳисоботларида ойлик ва чорак ҳисоботларга нисбатан кўп кўрсаткичлар ва бюджет ижроси жараёнининг кенг тавсифи берилади. Қорақалпоғистон Республикасининг молия вазирлиги, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар молия органлари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисида йиллик бухгалтерия ҳисоботлари таркибига қуйидагилар киради:

- 1) бюджет ижроси тўғрисидаги баланс (0524201-шакл);
- 2) бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот:
 - а) даромадлар (0524202-шакл);
 - б) харажатлар (0524204-шакл);
 - в) харажатлар айрим турларининг бюджет таснифини параграф ва моддалари бўйича тақсимланиши (0524205-шакл).
- 3) бюджет ташкилотлари балансидаги ҳисоб-китоблар бўйича маълумотнома;
- 4) бюджет ташкилотларининг асосий воситалари тўғрисидаги маълумотнома (0520116-шакл);
- 5) бюджет ташкилотларининг моддий қийматликлар тўғрисидаги маълумотнома (0520116-шакл);
- 6) ишчиларга бепул бериладиган уй-жой ва коммунал хизмат ҳақларини қоплаш учун қилинган харажатлар тўғрисидаги маълумотнома;
- 7) махсус маблағлар бўйича сметалар ижроси тўғрисида ҳисобот;

8)тўлов-шартнома ўқув шаклида мутахассислар тайёрлашнинг маблағлари;

9) бюджет ташкилотларида пул маблағлари ва моддий қийматликлар бўйича аниқланган камомадлар тўғрисида йиғма ҳисобот (0520108-шакл);

10)мақсадли маблағлар ҳисобидан йўналтирилган харажатларнинг йиғиндилари тўғрисида ҳисобот (0520109-шакл);

11) тежалган ва ривожлантириш фондига ўтказилган бюджет маблағлари тўғрисида ҳисобот (0524206-шакл)²⁵.

Йиллик бухгалтерия ҳисоботларига банк муассасаларининг умумдават солиқлари ва даромадларидан маҳаллий бюджетга қилинган ажратма суммалари тўғрисидаги маълумотномалар ҳам киради.

3-боб бўйича хулоса

Демак, бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар ҳам бухгалтерия ҳисобининг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли бюджет ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг «Даромадлар» қисмида бюджет таснифининг ҳар бир бўлимининг параграфлари бўйича келиб тушиши режалаштирилган даромадлар (белгиланган) суммалари ҳамда уларнинг ҳақиқатда келиб тушганини кўрсатувчи (бажарилган) суммалар бюджет турлари бўйича акс эттирилади.

Бюджет ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг «Харажатлар» қисмида бюджет таснифи ҳар бир бўлимининг боблари, параграфлари ва моддалари бўйича аниқланган, молиялаштирилган (мблағ билан таъминлаш) ҳамда бажарилган харажатлар (касса харажати, ҳақиқий харажат)ни акс эттирувчи суммалар бюджет турлари бўйича берилади.

Бюджет ташкилотларининг асосий воситалари тўғрисидаги маълумотномада бюджет ташкилотларининг йил бошига ва йил охирига қолган асосий воситалари ва уларнинг эскиришини акс эттирувчи маълумотлар келтирилади.

²⁵ Йиллик ва чорак молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тўғрисида Низом 2000 йил №942.

Бюджет ташкилотларининг моддий қийматликлари тўғрисидаги маълумотномада бюджет ташкилотларининг йил бошига ва йил охирига қолган моддий қийматликлари суммалари ҳамда ҳисобот йили давомида сарфланган моддий қийматликлар суммалари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Махсус маблағлар бўйича сметалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботда бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари турлари бўйича сметаларнинг ижросига доир маълумотлар келтирилади.

Бюджет ташкилотларида пул маблағлари ва моддий қийматликлар бўйича аниқланган камомадлар тўғрисидаги йиғма ҳисоботда йил бошидаги камомадлар бўйича қарзлар, йил давомида пул маблағлари ва моддий қийматликлар бўйича аниқланган камомадлар суммаси, айбдор шахслардан ундириб олинган сумма, ташкилот ҳисобига балансдан чиқарилган сумма, йил охиридаги камомадлар бўйича қарзлар суммаси: халқ таълими вазирлиги тизимидаги ташкилотлар бўйича, соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар бўйича, маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотлар бўйича, қишлоқ хўжалиги ва саноат тизимидаги ташкилотлар бўйича, қишлоқ, қўрғон ва шаҳар кенгашлари ва бошқаларга бўлинган ҳолда кўрсатилади.

Мақсадли маблағлар ҳисобидан йўналтирилган харажатларнинг йиғиндилари тўғрисидаги ҳисоботда харажатлар бўлимларининг моддалари бўйича мақсадли маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира фондига, Қорақалпоғистон Республикасининг захира фондига ва ижроия қўмиталарининг кўзда тутилмаган фондларига, бюджетни қабул қилишда тасдиқланган харажатларни қоплашга ва даромадларнинг харажатлардан ошишига қаратилган йил бошидаги бюджет қолдиқларига ҳамда бюджет ижроси давомида қўшимча олинган даромадларга йўналтирилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Демак, тежалган ва ривожлантириш фондига ўтказилган бюджет маблағлари тўғрисидаги ҳисоботда бюджет таснифи бўлимларининг боблари бўйича I гуруҳ, II гуруҳ ва IV гуруҳларга бўлинган ҳолда бюджет

ташкiлотларида ҳисобот чорагининг охирги кунига тежаб қолинган ва мазкур бюджет ташкiлотларининг ривожлантириш фонди маблағлари сақланадиган депозит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Хулоса

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Давлат бюджетининг роли жуда катта аҳамият касб этади. Бунда харажатларни тўғри ишлатиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, бюджет ижроси устидан назоратнинг ўрнатилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳим давлат тадбири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот тегишли ҳисобот даври учун маълум тизимга солинган режа ва ҳақиқий кўрсаткичларни умумлаштириш усулидир. Бу ҳисобот мамлакат иқтисодиётида давлат бошқаруви воситаси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси жараёни устидан тезкор бошқариш учун катта аҳамиятга эга. Ҳисобот ёрдамида давлат бюджети ижроси жараёни, бюджет даромадларининг келиб тушиши, тасдиқланган давлат бюджетида кўзда тутилган тадбирлар учун қилинган маблағларнинг харажат қилиниши устидан назорат амалга оширилади. Ҳисобот асосида молия органлари бюджет ижроси бўйича бюджет ташкилотлари ва банк муассасалари томонидан амалга оширилган ишларни иқтисодий таҳлил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган ягона шакллар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот тузилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ишларида молия органлари, бюджет ташкилотлари ва банк муассасалари қатнашади. Уларнинг ҳар бири бюджет ижроси бўйича унга юклатилган функцияларга доир маълумотлар асосида бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузади. Бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни вақтида ва аниқ топшириши давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисоби ёрдамида мамлакат барча мустақил бюджетларининг ижроси ҳисоби ва бюджет ташкилотлари харажатлари сметалари ижросининг ҳисоби амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини ўз вақтида топшириш ва уни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги ҳулоса ва таклифларга келинди:

-бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни бугунги кунга келиб тўлиқ компьютер дастурлари асосида амалга оширадилар ва бу давлат молия органларининг бюджет ижроси устидан назорати самарадорлигини оширади;

- бюджетга солиқ ва бошқа тўловларни амалга оширувчи ҳар бир юридик ва жисмоний шахслар бюджетга тўлаган маблағлари қандай мақсадларга сарфланганлиги ҳақида тўлиқ ахборот олиш имкониятига эга бўлиши керак;

- бюджетлар ижроси устидан назорат қилувчи ваколатли органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, тажриба ва ахборот алмашув тизимини йўлга қўйиш лозим. Бунда объектларни орқама-кетин текшириш, яъни бир бирини такрорламасликка эътибор қаратиш керак бўлади;

- бюджет ижроси натижалари ҳисоботларини молия органлари томонидан текшириш жараёнида молиявий-хўжалик жараёнларининг камчиликлари ва уларнинг ҳатоларини олдини олиш ва уларни келгусида бартараф этиш;

- бюджет ижроси натижалари ҳисоботларини тайёрлаш жараёнида ҳаракатдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши;

- бюджет ижроси натижалари ҳисоботларини аниқлаш жараёнида чет-эл мамлакатлари амалиётидан кенгроқ фойдаланиш, ва молиявий назоратни кучайтириш ҳам ижобий ўзгаришлар бериши мумкин;

- бюджет ижроси устидан назоратни такомиллаштириш корхоналар фаолиятига аралаштириш учун маъмурий имкониятлардан, уларнинг молиявий ва бошқа ресурслардан ҳар қандай шаклда ноқонуний фойдаланишни олдини олиш ва уларни бартараф этиш талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996 й, 30 август.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғриси”даги Қонуни. 2000 йил
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси», 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сонли
- 5.Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 23-моддаси. –Т.: 2003й
6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил
- 7.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 3-сон.

II. Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

- 1.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 2169 сонли “ Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги йўриқнома.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
- 3.“Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари” ЎзР АВ. томонидан 2009 йил 16 сентябрда № 2007 - сон билан рўйхатдан ўтган.
- 4.“Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлимларида юритиш қоидалари” ЎзР АВ. томонидан 2007 йил 5 декабрда №1746 сон билан рўйхатдан ўтган.
- 5.Бюджет ташкилотларининг даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Низом 1999 йил № 859
6. Йиллик ва чорак молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тўғрисида Низом 2000 йил №942.

7.1 январь ҳолатига асосий воситаларини қайта баҳолаш ўтказиш
тўғрисидаги Низом. 2002 йил № 1192

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш
қондилари 2002 йил № 1111

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йилдаги буйруғи
“Қорақолпоғистон Республикаси вилоятлар ва тошкент шаҳри бюджет
ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқнома” .

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан
қайта кўриб чиқилган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва
сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни
шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. И.Каримов. 2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни
амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил
давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл
очиқ бериш – устувор вазифамиздир. “Халқ сўзи” // 11-сон 2015 йил 17
январь.

2. И.Каримов. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация
йўлини қатъият билан давом эттириш. “Халқ сўзи” // 2013 йил 19 январь,
№13 (5687).

3. И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини
юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. (“Халқ
сўзи” 2011 йил 22 январь, № 16 (5183)).

4. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини
янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий
яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

ришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

5.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

I V. Асосий адабиётлар

1. Мехмонов С.У Бюджет ҳисоби ”Фан ва технология” нашриёти. Тошкент 2012 . -338б.
2. Мехмонов.С., Д.Убайдуллаев.Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. “Сано-Стандарт” нашриёти. Тошкент 2013. -211б.
3. Кондраков Н.П Кондраков И.Н Бухгалтерский учет в бюджетных организациях М-2006
4. Остонакулов М. «Маҳаллий бюджетлар ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби» Т- Иқтисод-Молия 2009
5. Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма./ М. Остонакулов. - Т.: "ИQTISOD-MOLIYA", 2009. -524 б.
6. Жўраев Н., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”,2012.- 480 б.
- 7.Жўраев Н., Холбеков Р., Абдувахидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -Т.: 2007 й
- 8.Каплан, Роберт С, Купер, Робин. Функционально-стоимостной анализ: практическое применение: Пер. с англ.- М.: ООО "И.Д. Вильямс", 2008.-352 с.
- 9.Карпов А. Е. «100% практического бюджетирования» Книга 5. «Роль финансовой дирекции в бюджетировании» - М.: «Результат и Качество», 2007.-256 с.
- 10.Касьянова Г.Ю. Учетная политика: бухгалтерская и налоговая. – М.: АБАК, 2010. – 160 с.
- 11.Касьянова Г.Ю. Основные средства: бухгалтерский и налоговый учет. – М.: АБАК, 2010. – 256 с.

12. Константинова Е.П. Международные стандарты финансовой отчетности: Учеб. пособ. – М.: «Дашков и К», 2008. – 288 с..
13. Кириллова Н.А., Богаченко В.М. Сборник задач по бухгалтерскому учету. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 346 с.
14. Клокова Н.В. / Под редакцией Крыловой Ю.В. 10 000 проводок. - М.: «Горячая линия бухгалтера», 2007. - 448 с.
15. Ковалев В.В. Как читать баланс. 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 672 с.
16. Кожин В.Я. Производство: учет и налоги. – М.: «Альфа - Пресс».- 2007. – 428 с.
17. Константинова Е.П. Международные стандарты финансовой отчетности: Учеб. пособ. – М.: «Дашков и К », 2008. – 288 с.
18. Коллекция оптимальных решений журнала «Практическая бухгалтерия». – М.: «РедСо» - «Бератор-паблишинг», 2006. – 256 с.
19. Краснопёрова, О. А. Инвентаризация имущества и обязательств. -М.: ГроссМедиа : РОСБУХ, 2007. - 344 с.
20. Куликова Л.И. Учетная политика организации: новое решение. – М.: Бухгалтерский учет, 2010. – 336 с. – 2 экз.
21. Медведев М.Ю. Бухгалтерский словарь. – М.: Проспект, 2008. – 496 с.
22. Нечитайло А.И. Теория бухгалтерского учета: учеб. – М.: Проспект, 2010. – 272 с.
23. Нидлз.Б.,Андерсон. Принципы бухгалтерского учета (пер. с англ. П/р. Я.В. Соколова)-М.: «Финансы и статистика», 2009.- 496 с.
24. Ёрозов К, Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.Дарслик.-Т.: АДИБ НАШРИЁТИ, 2011.- 488 б.
25. Пугачёв В.В. Внутренний аудит и контроль. Организация внутреннего аудита в условиях экономического кризиса: учеб. – М.: Дело и Сервис, 2010. – 224 с.
26. Ткач В.И., Ткач М.В. Международная система учета и отчетности.- М.: Финансы и статистика, 1992.- 143 с.

27 Xolbekov R.O. Buxgalteriya xisobi nazariyasi. Darslik. -T.: “Cho’lpon” nashriyoti, 2011.- 200 b.

V. Қўшимча адабиётлар

- 1.Кузьмина М.С. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в отраслях производственной сферы: учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2010.– 248 с.
- 2.Куликова Л.И. Учетная политика организации: новое решение. – М.: Бухгалтерский учет, 2010. – 336 с.
- 3.Ложников И.Н. Учет внеоборотных активов. Рекомендовано УМО по образованию в области финансов, учёта и мировой экономики в качестве учебного пособия- М.: «Бухгалтерский учет», -2007. - 130с.
- 4.Замураева Л.Е. Управление затратами: учебное пособие для дневной и заочного обучения с применением дистанционных технологий. Тюмень: Издательство Тюменского государственного университета, 2005.-226 с.
- 5.Уткина С.А. Составление бухгалтерских проводок в организациях разных отраслей: практ. пособ. – М.: Омега-Л, 2010. – 259 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. «Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 20011-2014 йиллар
- 2.«Солик ва божхона хабарлари» газета. –Т.: 2011-2014 йиллар
- 3.Ўзбекистоннинг 2014 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. –Т.: Ўзбекистон, 2015.

VII. Интернет сайтлари.

- 1.“Norma” (Меъёрий-ҳуқуқий программа таъминоти) 2014 йил.
- 2.www. gaap.ru (Халқаро бухгалтерия стандартлари).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
мудир Холбеков Р.О.

«__» _____ 2015 й.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ТОПШИРИҚ

Магистрант: Исмаилов Музаффар Нуридиновичга.

Мутахассислик: 5А 230901 – “Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари бўйича)”.

Магистрлик диссертация мавзуси: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва улардан республикамиз амалиётида фойдаланиш йўналишлари.

1. Иш раҳбари: и.ф.д. Холбеков Р.О.

2. Ишнинг мақсади: Тадқиқот мақсади бўлиб, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республикамизда молиявий ҳисобот тузиш тартибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

3. Иш мундарижаси (режаси):

Бажариш муддати:

Кириш

I - боб. Молиявий ҳисоботни халқаро стандартларидан республикамиз амалиётида фойдаланишнинг назарий асослари

«__» _____ 201__ й.

II - боб. Халқаро молиявий ҳисоботда хўжалик юритувчи субъектларининг активлари ва пасивларининг фойдаланиш тартиби

«__» _____ 201__ й.

III - боб. Миллий молиявий ҳисобот шакллари халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш омиллари

«__» _____ 201__ й.

Хулоса ва таклифлар

4. Ишни бажариш учун зарур бўлган:

а) Адабиётлар манбалари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистонлик ва хорижлик олимларнинг мазуга оид адабиётлари.

б) Ҳуқуқий актлар Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан қайта кўриб чиқилган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21-сонли стандарти.

в) Статистик ва бошқа ҳақиқий маълумотлар: “Norma” (Меъёрий-ҳуқуқий программа таъминоти) , [www. gaap.ru](http://www.gaap.ru) (Халқаро бухгалтерия стандартлари).

5. Ишни топшириш муддати «22» май 2015й.

Илмий раҳбар

(имзо)

Топшириқни бажариш учун олдим

(талаба имзоси)

Топшириқ берилган кун

«___» _____ 201__й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Магистратура бўлими

Магистратура талабаси: Исмаилов Музаффар Нуридинович

Кафедра: Бухгалтерия ҳисоби

Илмий раҳбар: Холбеков Р.О.

Ўқув йили: 2014-2015йй.

Мутахассислиги: 5А 230901 – “Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари бўйича)”.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзу: “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва улардан республикамиз амалиётида фойдаланиш йўналишлари ”

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиш жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларни, асосан, бухгалтерия тақдим этади. Барча хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида қайд этиб боришлари ва молиявий ҳисоботларни тузишлари, бу маълумотларни ички ва ташқи истеъмолчиларга тақдим қилишлари шарт.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари ҳам бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланган.

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши, Ўзбекистон Республикаси жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашуви, ўз навбатида, мавжуд қонунчилик

асосларини доимий равишда такомиллаштириш, уни халқаро стандартларга мослаштириб боришни талаб этади. Шу боисдан, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботни тўғри тузиш, маълумотларни тўғри акс эттириш ҳамда келгуси даврлар учун аниқ қарорлар қабул қилиш долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки бухгалтерия ҳисоботларини тўғри юритиш амалдаги тизим бошқарувини ижобий ҳал этишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Мазкур мавзу бўйича илмий изланишлар олиб бориш амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга яқинлаштириш имкониятини яратади. Шунинг учун магистрлик диссертациясида юқорида баён этилган мавжуд масалаларни тўлақонли ёритиш зарурияти туғилди.

Мазкур изланиш хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб тизимини такомиллаштириш, халқаро бухгалтерия тажрибасидан оқилона фойдаланишни талаб қилади. Шу жиҳатдан магистрлик диссертациясининг мавзуси долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида ташкил қилинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими олинди.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи мисолида республикамиз бухгалтерия ҳисоби тизимидаги ҳисобот шакллари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш тадқиқотнинг предметиدير.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республикамизда молиявий ҳисобот тузиш тартибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот мақсадидир.

Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш заруратини очиб бериш;
- миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўналишларини белгилаш;
- амалдаги ҳисобот шакллари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича тавсиялар бериш;
- активлар ва пасивлар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш тартибини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқот илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларини халқаро стандартлар асосида, жумладан, амалдаги ҳисобот шакллари халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий таклифлар берилганлиги билан белгиланади. Илмий янгиликни ташкил этувчи таклиф ва тавсиялар қуйидагилардан иборат:

- миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш зарурати очиб берилди;
- миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўналишлари белгилаб берилди;
- амалдаги ҳисобот шакллари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди;
- активлар ва пасивлар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш тартибини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Илмий изланишлар натижасида олинган илмий хулоса ва таклифлар ҳўжалик юритувчи субъектларда амалдаги ҳисобот шакллари халқаро стандартларга яқинлаштириш имкониятини яратишга қаратилган. Диссертацияда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнидаги муаммолар ўрганилиб, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қайта куриш борасида муҳим таркибий ислохотлардан бири бўлган ҳисоб тизими, жумладан, молиявий ҳисоботларни тузиш

тамойилларини такомиллаштиришда халқаро стандартлардан фойдаланишга катта эътибор берилган.

Тадқиқотнинг услубиёти ва услуби. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, Президент И.А.Каримовнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ривожлантириш ва бозор муносабатларини амалга оширишга бағишланган фармонлари ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит услубиётига доир меъёрий ҳужжатлари, йўриқномалари, шунингдек, тадқиқот объекти фаолиятини акс эттирувчи статистик маълумотлар ва иктисодчи олимларнинг бу соҳадаги илмий, услубий ишларидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, ишда статистик, математик, иктисодий таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссерта-циядаги илмий-назарий таклифлардан республикамізда бухгалтерия ҳисоби, жумладан, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар тамойилларига мувофиқлаштиришнинг концептуал негизларини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, тадқиқот ишида келтирилган кўпгина назарий тавсиялардан “Молиявий ҳисоб”, “Бошқарув ҳисоби” ва “Молиявий ҳисобот” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг муҳим илмий янгиликлари, хулоса, таклифларини хўжалик юритувчи субъектларда активлар ва пасивлар бўйича ҳисоботни тўғри ташкил этиш ва такомиллаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, мазмунан ўзаро боғланган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Илмий раҳбар

(имзо)

(ф.и.ш.)

Талаба

(имзо)

(ф.и.ш.)

Ғайбуллаев Шахриёр Бахтиёр ўғли
Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш йўналишлари
5а 230901 – “бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари бўйича)”

ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
“5А 230901–“Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари бўйича)” мутахассислиги бўйича
иқтисод магистри илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясининг
дастлабки ҳимоясининг

7-сонили БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“23” май 2015 й.

Талаба: Ғайбуллаев Шахриёр Бахтиёр ўғлининг

Диссертация иши мавзуси: Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш
йўналишлари

Илмий раҳбари: и.ф.д. Холбеков Р.О.

Диссертация ишининг натижалари:

1. бюджет ижроси натижаларининг шаклланиши ва бухгалтерия ҳисоби-ни ташкил этиш тамойиллари ўрганилди;
2. бюджет ташкилотларида узок муддатли ва жорий активларидан фойдаланиш, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китоблар ҳамда уларнинг натижалари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларини бугунги кундаги ҳолати ва ундаги муаммолар ўрганилди ва бу борада илмий ҳамда амалий асосланган таклифлар берилди;
3. бюджет даромад ва харажатлари устидан назорат ўрнатиш ҳамда бюд-жет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Магистрлар қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

Диссертация ишининг режаси тадқиқ қилинаётган мавзунини тўлиқ ёритганми?:

-тўлиқ ёрилган.

Адабиётлар тўлиқлиги (7 банд бўйича ва йилларнинг кетма-кетлиги тўғри қўйилганлиги):

- адабиётлар тўлиқ кетирилган.

Тадқиқотда фойдаланилган адабиётларга ҳаволалар мавжудлиги:

- ҳаволалар мавжуд.

Ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги (далолатнома):

- ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги тўғрисида маълумотнома мавжуд.

Ўқув жараёнига тадбиқ этилганлиги (далолатнома):

-ўқув жараёнига тадбиқ этилган этилганлиги тўғрисида далолатнома мавжуд.

Диссертация ишидаги асосий камчиликлар:

1. Диссертация ишида бу соҳадаги иқтисодчи олимларнинг фикрлари камроқ таҳлил қилинган.
2. Ишда назарий маънбалардан кам фойдаланилган
3. 2-боб бўйича хулосада бобнинг мазмуни тўлиқ қамраб олинмаган.

Диссертация дастлабки ҳимоясида талабага берилган саволлар:

1. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?
2. Республикаимиздаги бюджет ҳисоби билан хориждаги бюджет ҳисобининг ўхшашлик ёки фарқли томонлари борми?.

3. Ўзбекистон Республикасида бюджет ижроси ҳисоби ва ҳисоботлари ким томонидан амалга оширилади ва уни назорат қилувчи органларнинг вазифалари?.

Тадқиқот иши ҳолати ҳақида якуний тавсияномалар: агар диссертация ишида бюджет ташкилотларида тузиладиган молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш борасида фикрлар берилса ишнинг илмийлик даражаси яна ҳам ошган бўлар эди.

(Бажарилмаган бандларни кўрсатган ҳолда ёзилади)

Ҳимояга тавсия этилади

Комиссия раиси: доц. Ш.Эргашова

Аъзолари:

1. доц. Махкамбоев А.Т.
2. доц. Абдувоҳидов Ф.Т.
3. и.н.ф. Тошпўлатов А.

Диссертация иши сифатига жавобгар шахслар:

Кафедра мудири _____

(Ф.И.Ш., имзо, сана)

Илмий раҳбар _____

(Ф.И.Ш., имзо, сана)

Диссертация ишини бажарган талаба _____

(Ф.И.Ш., имзо, сана)

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

Ўқув ишлар проректори

Доц. Б.Б.Усманов

«__» _____ 2015 йил

ТДИУ Магистратура бўлими “5А 230901–“Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари бўйича)”
мутахассислиги бўйича мутахассислиги бўйича битирувчи талабасининг магистрлик
диссертация ишлари тавсияларини ўқув жараёнларига қўлланиши бўйича

Д А Л О Л А Т Н О М А

Тошкент шаҳри

2015 йил «__» _____

Талаба: Ғайбуллаев Шаҳриёр Бахтиёр ўғлининг

Мавзуси: **“Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш
йўналишлари”.**

Илмий раҳбари: и.ф.д. Холбеков Р.О.

Магистрлик диссертация ишининг асосий натижалари, боблар ва параграфлар бўйича бетлари кўрсатилган ҳолда фаннинг маъруза матнларида, амалий машғулотларида, лаборатория, компьютер ишларида ҳамда магистрлик диссертацияларда ёки кейс стабилар тайёрлашда фойдаланишини аниқ кўрсатиш керак.

1. Маъруза матнларида (бетларини кўрсатинг): “Бюджет ҳисоби” фанидан 55-60 бетлар.

2. Амалий машғулотларида (бетларини кўрсатинг): “Бюджет ҳисоби” фанидан 26-29 бетлар.

3. Лаборатория ва компьютер ишларида (бетларини кўрсатинг): ўқув режада режалаштирилмаган.

4. Кейс стабиларда (бетларини кўрсатинг): “Бюджет ҳисоби” фанидан 31-бет.

5. Магистрлик диссертацияларда (бетларини кўрсатинг): 37-40 бетлар.

Комиссия раиси _____

Аъзолари

1. _____

2. _____

3. _____

Тошкент давлат иқтисодиёт университети 5А 230901 - «Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари бўйича)” мутахассислиги магистранти Ғайбуллаев Шаҳриёр Бахтиёр ўғли томонидан ёзилган “Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш йўналишлари” мавзусидаги магистрлик диссертациясига

Т А Қ Р И З

Бюджет маблағлари мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорликка эришиш йўлида Ҳукумат томонидан яқин ва узоқ даврларга мўлжалланган давлат дастурларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет сиёсатини тўғри юритиш, бюджет маблағларидан самарали, оқилона фойдаланишни талаб этади. Бюджет маблағлари доимо аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Демак бюджет маблағларидан оқилона, самарали фойдаланиш билангина ана шу мақсадга эришиш мумкин бўлади. Бюджет дастурларининг аниқ ва ўз вақтида бажарилиши айти пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада ижобий бажарилишини таъминлайди. Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эса самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Ушбу магистрлик диссертацияси ишида ҳам бюджет ижроси натижалари ҳисоби тизимининг такомиллашувига бағишланган бўлиб, республикамиздаги бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби тизими жумладан, белгиланган параметрлар доирасида харажатларни амалга ошириш, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини назорат қилиш ҳамда уни самарали амалга оширишни таъминлашга қаратилгандир. Талаба томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бюджет ижроси натижалари ҳисоботларини такомиллашувига бағишлангандир. Шу сабабдан соҳанинг ўзига хос хусусиятлари асосида активлар ва пасивларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш усулларнинг таклиф қилиниши соҳа ҳисоб тизимида самарадорликка эришишда катта амалий аҳамиятга эга. Талаба томонидан қўйилган вазифаларни амалга оширишда оқилона усуллардан фойдаланган ҳамда ўзининг илмий асосланган таклифларни берган.

Магистрлик диссертацияси қўйилган талаблар асосида ёзилиб, унда иқтисодчи олимларнинг мавзуга тегишли ғоя ва қарашлари тўғри таҳлил қилинган. Соҳага оид адабиётларда келтирилган олимнинг фикрлари ўрганилиб, бу борада талаба ўз фикрини билдирган.

Диссертациянинг кириш қисмида илмий изланишнинг мақсади, вазифаси, предмети, объекти, илмий янгиликлари, амалий аҳамияти аниқ кўрсатиб ўтилган. Хулоса қисмида эса ишнинг асл моҳияти ёритиб берилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу магистрлик диссертациясини ҳимоя қилишга тавсия этиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ Академияси
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедра мудири**

проф.Исроилов Б.

**5А 230901 - «Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари бўйича)» мутахассислиги
магистранти Ғайбуллаев Шаҳриёр Баҳтиёр ўғли томонидан ёзилган
“Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш
йўналишлари” мавзусидаги магистрлик диссертациясига
ТАҚРИЗ**

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар жумладан, бюджет ижроси, уни бажарилишини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устувор ижтимоий харажатларни молиялаш ва ундан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш, Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда маҳаллий бюджет ижроси бўйича натижаларини аниқлаш, Бюджет ижроси бўйича жорий ҳисобварақларни ёпиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси бўйича ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш йўналишлари мавзусидаги ушбу магистрлик диссертацияси ҳам, белгиланган параметрлар доирасида харажатларни амалга ошириш, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини назорат қилиш ҳамда уни самарали амалга оширишни таъминлашга қаратилгандир.

Тадқиқот объекти бўлиб, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасида ташкил қилинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси мисолида республикамиз бухгалтерия ҳисоби тизимидаги ҳисобот шакллари ва бюджет ижроси натижалари ҳисоботларини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, иқтисодийни эркинлаштириш шароитида республикамизда бюджет ижроси натижалари ҳисоботларини тузиш тартибини бюджет ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, бюджет даромад ва харажатлари устидан назорат ўрнатиш ҳамда бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ғайбуллаев Шаҳриёр Баҳтиёр ўғли томонидан ёзилган магистрлик диссертация иши қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва у ҳимоя қилишга тавсия этилади.

**Тошкент давлат иқтисодий университети
“Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси мудири**

проф.Хасанов Б.А.

**5А 230901 - «Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари бўйича)» мутахассислиги
магистранти Ғайбуллаев Шаҳриёр Бахтиёр ўғли томонидан ёзилган “Бюджет
ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш йўналишлари”
мавзусидаги магистрлик диссертациясига**

Т А Қ Р И З

Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаш-тириш йўналишлари мавзусидаги ушбу магистрлик диссертациясида бюджет маблағларидан самарали, оқилона фойдаланишнинг асосий йўллари ва ҳозирда бюджет харажатларини амалга оширишда мавжуд йўналишларни тартиблаш, бюджет даромадларининг келиб тушиш манбалари ва бюджет ижроси натижалари бўйича ҳисоботларнинг турлари уларнинг тўлдирилиш тартиби топшириш муддатлари уни ривожлантириш йўналишлари юзасидан мулоҳазалар ёритилган. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўзгаришларни таъминлаш учун иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини амалга оширишда ва бюджетларнинг изчил бажарилишига эришиш мақсадида бюджет ижроси бажарилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш, бюджет интизомига риоя этилишини таъминлаш юзасидан тавсиялар берилган.

Диссертация ишининг кириш қисмида илмий изланиш учун танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг услубиёти ва услуби, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг биринчи бобда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджетнинг роли, бюджет ижросининг бажарилиши ва бюджет ижроси натижалари ҳисобининг моҳияти аҳамияти, бюджет ижроси натижа-лари ҳисобининг ҳуқуқий асослари, унда қатнашувчи молия органларининг роли вазифаси ва давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уларнинг юритилиши, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ёритилган.

Иккинчи бобда Ўзбекистон Республикаси бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши, бюджет ташкилотларида асосий восита ва материалларнинг ҳисобини юритилиши, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китобларни амалга ошириш, уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши ва уларнинг бюджет ижроси натижалари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттирилиши кўрсатиб ўтилган.

Учинчи бобда Бюджет маблағларидан самарали, оқилона фойдаланиш-нинг асосий йўллари ва ҳозирда бюджет харажатларини амалга оширишда мавжуд йўналишларни тартиблаш, бюджет даромадларининг келиб тушиш манбалари ва бюджет ижроси натижалари бўйича ҳисоботларнинг турлари уларнинг тўлдирилиш тартиби топшириш муддатлари уни ривожлантириш йўналишлари юзасидан мулоҳазалар ёритилган. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўзгаришларни таъминлаш учун иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини амалга оширишда ва бюджетларнинг изчил бажарилишига эришиш мақсадида бюджет ижроси бажарилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш, бюджет интизомига риоя этилишини таъминлаш юзасидан тавсиялар берилган.

Хулоса қилиб айтганда, талаба ёзилган магистрлик диссертация иши қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва у ҳимоя қилишга тавсия этилади.

Илмий раҳбар

и.ф.д. Холбеков Р.О.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети 5А 230901 - «Бухгалтерия
ҳисоби (тармоқлари бўйича)” мутахассислиги магистранти Ғайбуллаев
Шаҳриёр Бахтиёр ўғли томонидан ёзилган “ Бюджет ижроси
натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш
йўналишлари” мавзусидаги магистрлик диссертациясига**

Т А Қ Р И З

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳим давлат тадбири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот тегишли ҳисобот даври учун маълум тизимга солинган режа ва ҳақиқий кўрсаткичларни умумлаштириш усулидир. Бу ҳисобот мамлакат иқтисодиётида давлат бошқаруви воситаси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси жараёни устидан тезкор бошқариш учун катта аҳамиятга эга. Ҳисобот ёрдамида давлат бюджети ижроси жараёни, бюджет даромадларининг келиб тушиши, тасдиқланган давлат бюджетидида кўзда тутилган тадбирлар учун қилинган маблағларнинг харажат қилиниши устидан назорат амалга оширилади. Молия органлари ўзлари ижро этаётган бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ўзлари бевосита тузади ва бюджет ижросида қатнашувчи бошқа органларнинг ҳисоботларини тайёрлаш ва тузиш бўйича катта ташкилий ишларни амалга оширади.

Молия органларининг ҳисоботи маълум тизимга солинган бюджет ижроси тўғрисидаги режа ва ҳақиқий кўрсаткичларни умумлаштириш ва солиштириш усулидир. Молия органларининг ҳисоботида давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, банк муассасаларидаги пул маблағлари ва бюджет ижроси натижалари қайд қилинади.

Бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш йўналишлари мавзусидаги ушбу магистрлик диссертацияси ҳам, бюджет ташкилотларида белгиланган параметрлар доирасида харажатларни амалга ошириш, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет ижроси натижалари ҳисоби ва ҳисоботларини назорат қилиш ҳамда уни самарали амалга оширишни таъминлашга қаратилгандир.

Ушбу магистрлик диссертацияси ишининг таркибий тузилиши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, қўйилган мақсад ва вазифалар кетма-кетликда мазмунан ҳамда шаклдан бир-бирига мос келади.

Юқоридагилардан келб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, талаба томонидан ёзилган магистрлик диссертацияси ишининг расмийлаштириш тартиби ва мазмуни қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ҳамда унда келтирилган таклифларни амалиётга қўлланилиши ижобий самара беради деб ўйлаймиз.

**“Ергеодезкадастр давлат
қўмитаси бош бухгалтери**

Ф.З.Собитов.